

ДЕНГИЗДАН ҚАТРАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
Тошкент—1976 йил**

Тўплаб, нашрга тайёрловчи
ЭРКИН СИДДИҚОВ

Масъул муҳаррир
Филология фанлари кандидати
ОХУНЖОН СОБИРОВ

С $\frac{70403 \quad \text{—} \quad 435}{356 \quad (06) \quad \text{—} \quad 76}$ **67—76**

© «Издательство «Еш гвардия»—1976

ТЎПЛАМ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Мақол, матал ва ҳикматли сўзлар халқ донишмандлигининг маҳсулидир. Халқимизнинг турмушда ишлатилавериш сайқал топган бу дурдона, топқир фикрлари ихчам шакли, теран мазмуни, ахлоқий-маърифий қиммати билан аҳамиятлидир. Фикрни образли, лўнда ва аниқ ифодалашда халқимиз ўзи яратган бу дурдоналаридан кенг қўланади.

Ушбу тўпладан ўрин олган мақол, матал ва ҳикматли сўзларнинг асосий қисми шу пайтгача китоб ҳолида эълон қилинмаган. Уларнинг тўпловчиси оғзаки ижод билан муттасил шуғулланувчи мутахассис эмас. Унинг касби журналистлик. Лекин халқнинг дурдона фикрларига, оғзаки ижодига бўлган қизиқиши туфайли у узоқ йиллар республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида юриб, халқимизнинг кўп асрлик дониш хазинасидан намуналар тўплади.

Тўплаганларини бир системага келтириб, бугунги кунимиз учун энг муҳим ҳисоблаганларини саралади. Шу соҳа мутахассислари билан ҳамсуҳбат бўлди. Ана шунинг ўзи тўпламнинг қай даражада мукамаллигидан қатъи назар, унинг катта, хайрли ишга ҳисса қўшганлигини кўрсатиб турибди.

Тўпламдаги мақоллар, маталлар ва ҳикматли сўзларда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, жамиятнинг ижтимоий — маиший ҳодисаларига ақл кўзи билан қараган билимдон, меҳнатсевар омманинг дурдона фикрлари ифодаланган. Бу мақол, матал ва ҳикматли сўзларнинг асосий мавзуи меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, Ватанни севиш, ҳақиқат йўлида мардона курашиш, илм-маърифатга интилиш, дўстлик каби олийжаноб фазилатлардир.

Бу китобчанинг ҳозирга қадар нашр этилган халқ мақоллари тўпламларидан фарқи шундаки, тўпловчи улардаги мақол, матал ва ҳикматли сўзларни иложи борича такрорламасликка, мумкин қадар янгиларини излаб топишга уринган. Шунга кўра бу тўплам аввалги нашр этилган мақоллар тўпламларидан ажралиб туради. Тўпламнинг

энг муҳим фазилати шундаки, унда мақолларнинг талаффуз шакли (китобий ёзилиши эмас) танлаб олинган. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг боиси кўп ҳолларда мақолларнинг шакли ўзгартирилиб, китобийлаштириб қўлланилади. Ваҳоланки мақоллар нутқимизда турли шаклда ишлатилишини биламиз. Улар шу ҳолда миллий бўёққа бой ҳамда мақол, матал ва ҳикматли сўз келиб чиққан жуғрофий жойни, шевани билдиради. Шунинг учун ҳам уларни талаффуз шаклида қўллаган маъқул.

Халқнинг бадий тафаккур меваси бўлмиш мақол, матал ва ҳикматли сўзларда ижтимоий муносабатлар, омманинг ҳаёт ҳодисаларига муносабати, дунёқарши, меҳнат фаолияти ва эстетик диди, савияси, мураккаб руҳий ҳолатлари акс этганлигидан уларни ўзига хос ҲАЁТ ДАРСЛИГИ деб билиш мумкин.

Совет даврида кўпчилик мақол, матал ва ҳикматли сўзлар асл маъносини тўла сақлаб қолди. Бу мақол, матал ва ҳикматли сўзлар социалистик тузум, совет кишиларининг мафқураси, ахлоқи, оташин ватанпарварлиги каби ажойиб фазилатларини камол топдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қўлингиздаги тўплам ёшларни инсонийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади деб ишонамиз.

ОХУНЖОН СОБИРОВ
Филология фанлари кандидати.

A

Аввал йўлдош,
Кейин йўл.

* * *

Аввал таом,
Баъдаз калом.

* * *

Адашган йўлини топса,
Айб эмас.

* * *

Адоват эмас, адолат енгади.

Адашганни барча кечирар.

* * *

Ажал— қўрқоқларга баҳона.

* * *

Ажали етган сичқон
Мушукка ғамза қилар.

* * *

Аёз ўтган кунингни унутма,
Эски чоригингни қуритма.

Аёлнинг сариштаси — рўзгорнинг фариштаси.

* * *

Азоб кўрмай — роҳат йўқ.

* * *

Айри қолгандан бирга ўлган яхши,

* * *

Айрилганни айиқ ер,
Бўлинганни бўри ер.

* * *

Айрилмас қўшнингга уятли гап гапирма.

* * *

Айрон тилаб келсанг,
Челагингни яширма.

* * *

Айтган сўзни такрор айтма,
Айтар сўздан асло қайтма.

* * *

Айтган сўзни қайтариб бўлмас,
Учган қушни қўндириб.

* * *

Айтилган сўз — отилган ўқ.

* * *

Айтиш осон,
Қилиш қийин.

* * *

Айтмаган қўноққа йўнмаган таёқ.

Ака-ука — эт билан тирноқ.

* * *

Алдагани бола яхши.

* * *

Аллоп — аллопнинг иши қаллоб.

* * *

Амал тегса нодонга,
Ўзин урар ҳар ёнга.

* * *

Амирнинг ошидан
Фақирнинг мушти яхши.

* * *

Андишанинг оти кўрқоқ.

* * *

Аравани от тсртар,
Қўланкасида ит ётар.

* * *

Аразчи ошдан қуруқ қолади.

* * *

Арзимади ғалваси,
Кўйдиради дахмазаси.

* * *

Арзон — беиллат бўлмас,
Қиммат — беҳикмат.

* * *

Арзоннинг шўрваси татимас.

Ариқ сувин лойқатма,
Давлат молин чайқатма.

* * *

Ариқ қазимасанг сув чиқмас.

* * *

Ариқни сув бузар,
Одамни — сўз.

* * *

Ароқхўр улфат келтирар кулфат.

* * *

Арпа-буғдой бир йил кунингга ярайди,
Содиқ дўст — ўлгунингча.

* * *

Арпа экиб буғдой кутма.

* * *

Арпа эккан арпа олар,
Буғдой эккан буғдой олар.

* * *

Арпанинг дони бўлгунча,
Буғдойнинг сомони бўл.

* * *

Арслон бўқирса,
Отнинг оёқлари чалишади.

* * *

Арслон қариса,
Сичқоннинг инини пойлайди.

Арғамчига қил қувват.

* * *

Арқоннинг узуни,
Гапнинг қисқаси яхши.

* * *

Арқоғини кўриб бўзини ол,
Онасини кўриб қизини ол.

* * *

Асалнинг араси,
Гулнинг тикони бор.

* * *

Асэлари — оиланинг табиби.

* * *

Асат — ҳосилингни ясат.

* * *

Аскар кам жойда жасорат кўп бўлади.

* * *

Аслнинг хатоси бўлмас,
Ножинсинг ошнаси.

* * *

Қийшиқ дарахтнинг
Кўланкаси ҳам қийшиқ.

* * *

Асвга — тушов.

Атаннынг¹ юки озиқ-овқат бўлса ҳам,
Оч одамга оз кўринади.

* * *

Атлас ямоғи — атласга муносиб,
Шол ямоғи — шолга.

* * *

Ахтарган — топар.

* * *

Ачиб суйилмаган — қариб қуйилмаган.

* * *

Аччиқни аччиқ кесар.

* * *

Аччиқ-чучукни тотган билар,
Яқин-узоқни юрган билар.

* * *

Ашир — топганини ташир.

* * *

Аяган кўзга чўп тушар.

* * *

Аямаъжуз олти кун,
Қаҳри келса қаттиқ кун.

* * *

Ақл ақлдан қувват олади.

¹ А т а н — а х т а т у я .

Ақл билан одоб эгизак

* * *

Ақл бұй билан эмас,
Ұй билан ұлчанади.

* * *

Ақл ёшда эмас, бошда.

* * *

Ақл — ёшдан,
Одоб — бошдан.

* * *

Ақл — ишнинг кўзи.

* * *

Ақл кўпга етказар,
Ҳунар кўкка етказар.

* * *

Ақл — Ҳасандир,
Одоб — Ҳусандир.

* * *

Ақлнинг ўлчови — идрок.

* * *

Ақлни аҳмоқдан ўрган.

* * *

Ақли калтанинг тили узун.

* * *

Ақли тийрак қанд ейди,
Ақли калта панд ейди.

* * *

Ақли қочган —
Сирни очган.

* * *

Ақлингга ақл қўш,
Жаҳлингга — сабр.

* * *

Ақлинг борида одам тани.

* * *

Ақлли десанг аҳмоқни,
Бошга урар тўқмоқни.

* * *

Ақллашган ақл топар.

* * *

Ақлли иш — қанотли қуш.

* * *

Ақлли — ишига ишонади,
Ақлсиз — тушига.

* * *

Ақлли ўзини айблар,
Ақлсиз — дўстини.

* * *

Ақлсиз — бугунини ўйлар,
Ақлли — эртасини.

* * *

Ақлсиз кексадан ақлли ёш яхши.

* * *

Ақлсизнинг йўлидан юрмасанг — оқилсан.

* * *

Аҳди борнинг бахти бор.

* * *

Аҳилликдан иш унар,

* * *

Аҳмоқ билан зиёфатга боргандан,
Ақлли билан чўп терган яхши.

* * *

Аҳмоқ ўз оёғидан ҳорийди.

* * *

Аҳмоқ ўзини мақтар,
Тентак — қизини.

* * *

Аҳмоқ қариганини билмас.

* * *

Аҳмоқ ҳоримас,
Кўса қаримас.

* * *

Аҳмоққа жавоб — сукут.

* * *

* * *

Аҳмоққа — калтак,
Донога — ишора.

Б

Баланд ном баланд томдан улуғ,

* * *

Баланд тоғда қор бўлур,
Эр йигитда ор бўлур.

* * *

Балиқ йўғида
Қисқичбақа ҳам балиқ.

* * *

Балиқ сувнинг чуқурини,
Мард ишнинг қийинини излайди.

* * *

Балиқ сувда туриб ҳам
Чанқадим дейди.

* * *

Балиқнинг тириклиги сув билан.

* * *

Балиқнинг ўзи сувда,
Кўзи четда.

* * *

Балойи нафс мән-ман деганни тиз чўктирар.

* * *

Балчиққа тош отсанг,
Шатмоғи ўзингга сачрар.

* * *

Бахилнинг боғи кўкармас.

* * *

Бахилнинг оши пишмас,
Пицца ҳам қозондан тушмас.

* * *

Бахилни ўз сахийлигинг билан уялтир.

* * *

Бахт гарови — дўстлик.

* * *

Бахт оёқ остида ётмайди,
Олтин манаман деб турмайди.

* * *

Бахти кулган йигитнинг
Янгаси олдидан чиқибди.

* * *

Бахтни меҳнатдан изла.

* * *

Бахтсиз қудуққа кирса қум ёғар.

* * *

Бахтсизлик изидан фалокат юради.

* * *

Башаранг қийшиқ бўлса,
Ойнадан ўпкаланма.

* * *

Бақироқ туянинг бори яхши,
Бақириб тургани ундан яхши.

* * *

Баҳорги ҳаракат — кузги баракат.

* * *

Баҳслашмасанг дўстлашмайсан.

* * *

Бебарор ўсган ўғилдан
Одобли ўсган қиз яхши.

* * *

Бевафо дўстдан таёқ яхши,
Бебахра гулдан япроқ яхши.

* * *

Бевақт айтилган азондан
Вақтида узилган хазон яхши.

* * *

Бегона тупроқ — девона тупроқ.

* * *

Бегона юртда ҳоким бўлганингдан
Ўз юртингда етим бўлганинг яхши.

* * *

Бегонанинг қалби — қоронғи ўрмон.

* * *

Безбетга қошиқ берсанг,
Овақатни оппоқ уради.

* * *

Бозордан қолсанг бир кун қоласан,
Яхшидан қолсанг бир йил қоласан.

* * *

Беишқ ҳаёт — бегул баҳор.

* * *

Бекорчининг ҳунари — ғийбат.

* * *

Бекорчидан ҳамма безор.

* * *

Ғани Келимов
Бел ушлашганда отангни аяма.

* * *

Белни пешлаган билар,
Ерни ишлаган билар.

* * *

Белга ишонган бешни топар.

* * *

Бели оғримеганнинг нон ейишини кўр.

* * *

Белги бўлса — йўлдан адашмайсан,
Ақл бўлса — сўздан.

* * *

(Белгиси бўлса йўлдан адашмас,
Ақл бўлса сўздан адашмас.)

* * *

Бемаза қовуннинг уруғи кўп.

* * *

Бемор бемор эмас,
Бемор боққан бемор.

* * *

Бемор оши — безор оши.

* * *

Бемор оши — хўрда оши.

* * *

Бенуқсон дўст ахтарган дўстсиз қолар.

* * *

Бердисини айтгунча белимни букма.

* * *

Бермаснинг оши пишмас.

* * *

Бермаснинг қозони қайнагунча,
Булоқдаги сув ҳам қуриydi.

* * *

Берсанг — оласан,
Эксанг — ўрасан.

* * *

Бетамизда бет йўқ,
Безорида уят йўқ.

* * *

Беткай кетар,
Бел¹ қолар,
Беклар кетар,
Эл қолар.

* * *

Беҳуда чираниш бел синдирар.

* * *

Беҳудага йиғлаганинг — юрагингни доғлаганинг.

* * *

Беҳунарнинг ҳунари — ялқовлик.

* * *

Билаги зўр — бирни йиқар,
Билими зўр — мингни йиқар.

* * *

Билган топиб гапирар,
Билмаган қопиб.

* * *

Билган билганин ишлар,
Билмаган — бармоғин тишлар.

* * *

Билганга — лапар,
Билмаганга — дардисар.

* * *

Билганингни элдан аяма.

¹ Бел — тоғ ён бағри.

* * *

Билим — ақл чироғи.

* * *

Билим давлатдан қиммат.

* * *

Билим — ёруғлик,
Билимсизлик — жаҳолат.

* * *

Билим — кучда,
Куч — билимда.

* * *

Билим — нурдир,
Билимсизлик — ғафлат.

* * *

Билими бор — қанотли қуш.

* * *

Билимсиз бирни йиқар,
Билимли мингни йиқар.

* * *

Билимсиз тўлиб сўзлар,
Билимли кулиб сўзлар.

* * *

Билишни истасанг,
Сўрашдан қайтма.

* * *

Билмас иш йўқ,
Ишсиз ош йўқ.

* * *

Бир дўст олти қариндошнинг ўрнини босади.

* * *

Бир ёмоннинг қаршисида юз яхши бор.

* * *

Бир жойда ётган ёғоч чириydi.

* * *

Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз.

* * *

(Бир йигитга етмиш ҳунар кам).

* * *

Бир йил тут эккан киши,
Юз йил гавҳар теради.

* * *

Бир йўталга икки чўтал.

* * *

Бир калима ширин сўз
Қилични қинга киритар.

* * *

Бир каттанинг гапига кир,
Бир кичикнинг.

* * *

Бир киши ариқ қазийди,
Минг киши сув ичади.

* * *

Бир кун беда сочсанг,
Бир ҳафта беда ўрасан.

* * *

Бир кун бир йилни тўлдиради.

* * *

Бир кун бурун сочсанг,
Бир ҳафта бурун ўрасан.

* * *

Бир кун жанжал бўлган уйдан
Қирқ кун барака кўтарилар.

* * *

Бир кун ошиққандан
Қирқ кун ақл қочади.

* * *

Бир кун туз ичган жойингга
Қирқ кун салом бер.

* * *

Бир кунликдан қолдинг,
Бир йилликдан қолдинг.

* * *

Бир кўз билан ёш тўкиб,
Бир кўз билан им қоқма.

* * *

Бир кўчган — икки таланар.

* * *

Бир нўноқни бир эпчил эплайди.

* * *

Бир синалган тажриба
Етти китобдан афзал.

* * *

Бир соат тафаккур
Бир йиллик тоатдан афзал.

* * *

Бир сўзlining юзи ёруғ,
Мунофиқning юзи чориқ.

* * *

Бир таёқни синдириб бўлади,
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмайди.

* * *

Бир томчи сув
Чумолига дарё бўлиб кўринибди.

* * *

Бир тош қуласа,
Урнига яна бири.

* * *

Бир туп ток эксанг,
Бир туп тол эк.

* * *

Бир фойда — фойда,
Икки фойда қайда.

* * *

Бир шалтоқning уйини
Қирқта чаққон эпполмас.

* * *

Бир ўлганга тегма,
Бир куйганга.

* * *

Бир ўлиб тирилганнинг умри узун бўлади.

* * *

Бир қарға билан қиш келмайди.

* * *

Бир кулгининг
Бир йиғиси бор.

* * *

Бир қинга икки қилич сиғмас.

* * *

Бир қозон асалу,
Бир қошиқ заҳар.

* * *

Бир қумалоқ бир қорин мойни чиритар.

* * *

Бир қўй бир терининг ичида,
Неча марта семириб, неча марта ориқлайди.

* * *

Бир қўчқорнинг боши кетгунча,
Неча тўқлининг бошини ейди.

* * *

Бирни биров беради,
Кўпни — меҳнат.

* * *

Бирни кессанг — ўнни эк.

* * *

Бирин-бирин минг бўлур,
Тома-тома кўл бўлур.

* * *

Бирлашган дарё бўлар,
Тарқалган ирмоқ бўлар.

* * *

Бирлашган — ёвни қайтарар.

* * *

Бирлашган куч энгилмас.

* * *

Бирлашган — ўзар,
Бирлашмаган — тўзар.

* * *

Бирликсиз куч бўлмас.

* * *

Бирлик бор — тириклик бор.

* * *

Биров — тош, биров — гул,
Ўз жойида иккови ҳам яхши.

* * *

Бировнинг айбини сенга айтган,
Сенинг айбингни ҳам бировга айтади.

* * *

Бировнинг бахти
Бировнинг кўзини чиқарибди.

* * *

Бировнинг ёғлиқ нонидан
Ўзингни зоғоранг яхши.

* * *

Бировнинг мис кўзасидан
Ўзингнинг сополинг яхши.

* * *

Бировнинг уйдан
Ўзингнинг чайланг иссиқ.

* * *

Бировнинг эшигини бевақт тақиллатма,
Ўзингникини кесакиси билан кўчириб ташлайди.

* * *

Бировнинг қош-қовоғига қараб иш кўргандан кўра,
Ўз билак кучингга таян.

* * *

Бировга ишонган оч қолар.

* * *

Бировга чоҳ қазисанг,
Ўзингнинг бўйингга ўлча.

* * *

Бирлик бўлмай,
Тириклик бўлмас.

* * *

Битта каламушнинг тезаги
Бир ҳум гуручни ҳаром қилади.

* * *

Битта тулкининг териси
Икки қайта шилинмайди.

* * *

Бой боёғон бўлса,
Ичаги тороғон бўлар.

* * *

Бой — ўргимчак.

* * *

Бойнинг ўзидан бойтевати ёмон.

* * *

Бойдан мурувват тилаш —
Толдан зардоли тилаш.

* * *

Бойлик молда эмас, камолда.

* * *

Бойлик — тўзон.

* * *

Бойликнинг онаси — ер,
Отаси — меҳнат.

* * *

Бол тутган бармоғин ялар.

* * *

Бол ҳам тилдан,
Бало ҳам тилдан.

* * *

Бола азиз,
Одоби ундан азиз.

* * *

Бола безори — киши озори.

* * *

Бола — бошдан,
Ниҳол — ёшдан.

* * *

Бола еттига киргунча
Етмиш ўзгаради.

* * *

Бола йиғламаса,
Она еут бермайди.

* * *

Бола — одоби билан.

* * *

Бола оиланинг ҳам гули, ҳам булбули.

* * *

Бола югурса,
Кексанинг оёғи зирқирар.

* * *

Бола қалби — гул.

* * *

Бола — ҳаётнинг безаги.

* * *

Боланинг туғилгани —
Ўликнинг тирилгани.

* * *

Боланинг эси — ёзги чақмоқ.

* * *

Болани бола дема,
Шернинг боласи ҳам бола.

* * *

Боланинг бармоғи оғриси,
Онанинг юраги ачийди.

* * *

Бола бошдан,
Ўғлон — ёшдан.

* * *

Болага иш буюр,
Кетидан ўзинг югур.

* * *

Болагинам бахтиёр,
Ҳар нарсанинг вақти бор.

* * *

Болалик уй — бозор.

* * *

Боламнинг боласи — қантак ўрик донаси.

* * *

Боласи кўп — бой бўлар.

* * *

Болта тушгунча кунда дам олар.

* * *

Бор борини ейди,
Уятсиз орини ейди.

* * *

Бор — бақирар,
Йўқ — чақирар.

* * *

Бор — борича,
Йўқ — ҳолича.

* * *

Бор қилса ҳам халқ қилади,
Йўқ қилса ҳам халқ қилади.

* * *

Бордан юқар,
Йўқдан товуш чиқар.

* * *

Борида чора-чора,
Йўғида банда бечора.

* * *

Борингда қадринг билмадим,
Йўфингда излаб топмадим.

* * *

Бот киришган бот совуйди.

* * *

Ботир душман билан олишганда синалади.

* * *

Ботир жангда билинар,
Доно мажлисда.

* * *

Ботир ўлса номи қолар,
Номард ўлса нимаси қолар.

* * *

Ботир ўтса донғи қолар,
Пода ўтса чанги қолар.

* * *

Ботир — қийинни енгар,
Номард — бўйинни эгар.

* * *

Ботирнинг иши қолар,
Дононинг сўзи.

* * *

Ботирнинг мушти ҳам қалқон.

* * *

Ботирлик қалъа олади.

* * *

Ботмон юкни кўтарган туя
Чўмични ҳам кўтарар.

* * *

Ботмонча давлатдан нимча инсоф яхши,

* * *

Бош омон бўлса,
Дўппи топилар.

* * *

Бош силовчи бўлса,
Бўй ўсади.

* * *

Бош қашимоққа ҳам тирноқ керак.

* * *

Бошга тушганни кўз кўрар.

* * *

Бошда ақл бўлмаса,
Оёққа зур келади.

* * *

Бошинг осмонга етса ҳам
Ерга қараб юр.

* * *

Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир.

* * *

Бошпананг қалин бўлса,
Емғир ўтмас.
Эл-уруғинг аҳил бўлса,
Хўрлик ўтмас.

* * *

Бошсиз бўрк бўлмайди,
Тотсиз¹— турк бўлмайди.

* * *

Бошқанинг тилла гавҳаридан
Онангнинг сариқ чақаси яхши.

¹ Тоти — ихчам от.

* * *

Боғ яратган — яшарар.

* * *

Боғда битган гилосим —
Отамдан қолган меросим.

* * *

Боғига яраша булбули.

* * *

Боғли колхоз — ёғли колхоз.

* * *

Бугунги жаҳлни эртага қўй.

* * *

Бугунги ишни эртага қўйма.

* * *

Буқа семирса,
Эгасини сузар.

* * *

Бузоқнинг югургани сомонхонагача.

* * *

Бузоқни тилга олсанг,
Ипини узиб келади.

* * *

Булбул гулзорда гўзал.

* * *

Булбул чаманин севар,
Одам — Ватанин.

* * *

Булбулнинг суйгани қизил гул.

* * *

Булбулни қарқуноққа алиштира.

* * *

Бултурги тулкига бу йилги кулки.

* * *

Булутда чиққан кунга қалпоқ чидамайди.

* * *

Бургут ўлжасини сезса,
Тепасида айланаверади.

* * *

Бутун бир рўзғорни кўтарган туяга
Битта элак оғирлик қилипти.

* * *

Буюмнинг қиммати — сотилганда билинар,
Дўстнинг қиммати — айрилганда.

* * *

Буқа шохидан,
Йигит тилидан тугилади.

* * *

Буғдой бўлса,
Ўлчов топилади.

* * *

Бўзга ипақдан ямоқ солсанг ҳам
Барибир ямоқ.

* * *

Бўзчи белбоққа ёлчимас,
Кулол мўндига.

* * *

Бўзчи билганин тўқир,
Бахши билганин ўқир.

* * *

Бўзчининг ҳунари
Тўқиган бўзидан кўринади.

* * *

Бўйи етган қиз —
Учирма бўлган қуш.

* * *

Бўйдоқнинг ақли икки кўзида.

* * *

Бўйни қисик — кўнгли синиқ.

* * *

Бўйнида айби борнинг оёғи қалтирайди.

* * *

Бўйнидан боғлаган този овга ярамайди.

* * *

Бўлар одам ўн ёшида бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

* * *

Бўлдирадиган ҳам хотин,
Ўлдирадиган ҳам хотин.

* * *

Бўлинганни бўри ер.

* * *

Бўри боласи бўркака солсанг турмас.

* * *

Бўри хом гўшт еб ўлмайти.

* * *

Бўри қариса,
Итга кулги бўлади.

* * *

Бўрининг тавба қилгани — ўлгани.

* * *

Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди.

В

Ватан гадоси — кафан гадоси.

* * *

Ватанинг тинч — сен тинч.

* * *

Ватансиз инсон — куйсиз булбул.

* * *

Вафосизда ҳаё йўқ,
Ҳаёсизда вафо йўқ.

* * *

Ваъда беришга шошилма,
Ваъдани бажаришга шошил.

* * *

Вақт тоғни емирар,
Сув тошни кемирар.

* * *

Вақт ўтгандан кейин
Қиличингни тошга чоп.

* * *

Вақти-соати етса,
Қушнинг боласи ҳам ўзига уя қуради.

* * *

Вақтинг кетди — бахтинг кетди.

* * *

(Вақтинг кетди — нақдинг кетди).

* * *

Ваҳима — душманнинг йўлдоши.

* * *

Ваҳший ҳайвонга ўлим келса,
Ўзини оқич томонга урар.

* * *

Водий суви кечиксиз бўлмас.

Г

Гап билгунча иш бил.

* * *

Гап бошқа,
Иш бошқа.

* * *

Гап десанг қоп-қоп,
Иш десанг бетоб.

* * *

Гап келганда отангни аяма.

* * *

Гап кўп — кўмир оз.

* * *

Гап эгасини топар.

* * *

Гап қувган балога йўлиқар,
Йўл қувган ғазнага.

* * *

Гапнинг ози — олтиннинг сози.

* * *

Гапни гапир уққанга,
Жонни жонга суққанга.

* * *

Гапни кам сўзла,
Ишни кўп кўзла.

* * *

Гапдан гап чиқар,
Чўпдан хас.

* * *

Гапирганинг — кумуш,
Гапирмаганинг — олтин.

* * *

Гидам сотсанг қўшнингга сот,
Бир четида ўзинг ўтирасан.

* * *

Гина — адоватнинг қўшниси.

* * *

Гул жой танламайди,
Муҳаббат — ҳусн.

* * *

Гул жойида чиройли,

* * *

Гумон дўстандан ажратар.

* * *

Гул туфайли тикон сув ичар.

* * *

Гул ўсса ернинг кўрки,
Қиз ўсса элнинг кўрки.

* * *

Гул ҳидлаган тўйдим демас.

* * *

Гулнинг ҳиди узоқдан яхши келади.

* * *

Гулни севган тиканини ҳам севади.

* * *

Гули учун тиконини ҳам суғерасан.

* * *

Гумон имондан ажратади.

* * *

Гуноҳнинг офати — товба.

* * *

Гуноҳсиз кишини тил тиғи билан ранжитиш
Соғ кишини ништар уриб яралаш билан баравар.

* * *

Гўдак жон бераётганда,
Алвасти ҳам қайғуради.

* * *

Гўзаллик ҳуснда эмас — меҳнатда.

Д

Давлат тугар,
Билим тугамас.

* * *

Давлат хас-чўпда бўлади.

* * *

Давлатинг — ота-онанг.

* * *

Давосиз дард — муҳаббат.

* * *

Далада имиллаганнинг ҳамёни қуруқ.

* * *

Данаги ширин,
Данагидан мағизи ширин.

* * *

Дангасанинг важи кўп.

* * *

Дангасанинг гапидан бол томади.

* * *

Дангасанинг иши битмас,
Ёз келса ҳам қиши битмас.

* * *

Дангасанинг косаси оқармас.

* * *

Дангасанинг орзу-ҳаёли
Чўкиб кетган ҳумча мисоли.

* * *

Дангасанинг тиними йўқ,
Қилган ишининг унуми йўқ.

* * *

Дангасанинг ғайрати иш битганда қўзийди.

* * *

Дангасага булут сояси ҳам юк бўлур.

* * *

Дангасага остона тепа бўлиб кўринар.

* * *

Дарахт бир жойда кўкаради.

* * *

Дарахт илдизи билан тик,
Инсон ёр-дўсти билан тирик.

* * *

Дарахт — япроғи билан кўркам,
Одам — меҳнати билан.

* * *

Дард аригиси келса,
Табиб ўз оёғи билан келар.

* * *

Дард давоси билан тарқалади.

* * *

Дард мита еган буғдойга ўхшайди.

* * *

Дард тортмаган оғриқни билмас.

* * *

Дарё оқиб турганда
Қудуқ қазимайди.

* * *

Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини меҳнат оширар.

* * *

Дарға йўлдан тойса,
Кема ағдарилади.

* * *

Дастурхонга боққан — дўст эмас.

* * *

Даъвогар суст бўлса,
Қози муттаҳам бўлади.

* * *

Девор йиқилса ҳам ўзимнинг томонимга йиқилсин.

* * *

Деворнинг ҳам қулоғи бор.

* * *

Денгизга чанг писандмас.

* * *

Деҳқон кетмонини сотмайди.

* * *

Деҳқоннинг уйи куйса куйсин,
Қўш ҳўкизи йўқолмасин.

* * *

Дили ёруғнинг туни ёруғ,
Дили қинғирнинг тили қинғир.

* * *

Дили покнинг иши пок.

* * *

Димоғдорга бир гап озлик қилади,
Икки гап — кўплик.

* * *

Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма.

* * *

Домлада ҳунар бўлмаса,
Хонақа торлик қилар.

* * *

Доно айтса — эл айтгани,
Элнинг ғамин еб айтгани.

* * *

Доно дурдан аъло.

* * *

Доно — сўз билан,
Нодон — мушт билан.

* * *

Дунё кўрмай дунё кишиси бўлмайсан.

* * *

Дунёни сел олса,
Урдакка нима қайғу.

* * *

Дуо олган омондир,
Қарғиш олган ёмондир.

* * *

Душман асло қўшилмас,
Қўшилса ҳам дўст бўлмас.

* * *

Душман мақолати —
Банги хаёлати.

* * *

Душманингнинг кулгани — сирингни билгани.

* * *

Душманнинг кулганига ишонма.

* * *

Душманни ханжар билан кутиб ол.

* * *

Душмандан бир тук юлсанг ҳам фойда.

* * *

Душмандан кўрқма,
Мунофиқдан кўрқ.

* * *

Душманинг сичқонча бўлса ҳам кўрқ.

* * *

(Душманинг сичқонча бўлса ҳам,
Кучинг арслонча бўлсин.)

* * *

Дўл урганни тегирмончи ҳам урипти.

* * *

Дўланани кўрганда
Тоғ эсдан чиқмасин.

* * *

Дўст ачитиб гапирар,
Душман — кулдириб.

* * *

Дўст доғи — Қоғ тоғи.

* * *

Дўст — дўстнинг ойнаси.

* * *

Дўст — дўстнинг таянчи.

* * *

Дўст дўстни кулфатда синар.

* * *

Дўст дўстан сўрар.

* * *

Дўст ёмон кунда билинади.

* * *

Дўст излама,
Дўстнинг дўстини изла.

* * *

Дўст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

* * *

Дўст узоқда бўлса ҳам,
Кўнгли яқин.

* * *

Дўст юзингга боқар,
Душман изингга.

* * *

Дўст қидирмаган киши ўзига душман.

* * *

Дўстнинг эскиси яхши,
Кийимнинг янгиси.

* * *

Дўстан молини аямаган
Элдан жонини аямас.

* * *

Дўсти кўп душмансиз бўлмас.

* * *

Дўсти нодон бўлгунча,
Душмани зийрак бўлгин.

* * *

Дўстига хиёнат қилган
Охир балосига йўлиқади.

* * *

Дўстинг билан сирдош бўл,
Қилган ишига қўлдош бўл.

* * *

Дўстинг, бўлмаса — дунё қоронғу.

* * *

Дўстинг кимлигини айт,
Сенинг кимлигингни айтаман.

* * *

Дўстинг мингта бўлса ҳам кам,
Душманинг битта бўлса ҳам қўп.

* * *

Дўстинг учун заҳар ют.

* * *

Дўстинг хирмониға қуш қўнса ҳайда,
Уз хирмонинг омон бўлади.

* * *

Дўстингга қўшиқ айт,
Меҳрингни қўшиб айт.

* * *

Дўстини ёмонлагандан қоч.

* * *

Дўстларнинг сонини санама,
Сифатини сана.

* * *

Дўстларинг борлиги — мартабанг улуглиги.

* * *

Дўстлик — барча бойликдан афзал.

* * *

Дўстлик синовда чиниқади.

* * *

Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.

Е

Еган оғиз уялар.

* * *

Емсиз от довуи ошолмайди.

* * *

Емас оғиз еяр оғизни боғлар.

* * *

Ер очганнинг бахти очилар.

* * *

Ер текис — ҳосил тўкис.

* * *

Ер тузи элдан,
Сув хатери елдан.

* * *

Ер тўймагунча эл тўймас.

* * *

Ер — хазина,
Сув — гавҳар.

* * *

Ер хамир бўлса,
Ўғит — хамиртуруш.

* * *

Ер юзини эр очар,
Эр юзини ер очар.

* * *

Ер қаттиқ бўлса,
Хўкиз хўкиздан кўрар.

* * *

Ер — ҳаётнинг онаси.

* * *

Ер ҳайдасанг куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

* * *

Ернинг қаймоғи
Меҳнат қилганники.

* * *

Ерни боқсанг боғ бўлади,
Ботмон даҳсар ёғ бўлади.

* * *

Ерни сийлаганни
Эл сийлайди.

* * *

Ерга тушгани гул бўлади.

* * *

Ердан топганни олма,
Элингдан ироқ қолма.

* * *

Ердан топсанг ҳам санаб ол,
Орқа-ўнгингга қараб ол.

* * *

Ери бойнинг эли бой.

* * *

Еридан ажралган етти йил йиғлар,
Элидан ажралган ўлгунча йиғлар.

* * *

Есам оғзим оғрийди,
Чайнасам тишим.

* * *

Етти ўлчаб бир кес.

* * *

Етти киши бир кишини кутиб ўтирмайди.

* * *

Ё

Ёв йўқ дема бўрк остида,
Бўри йўқ дема жар остида.

* * *

Ёв чопса қўша чоп.

* * *

Ёвга жонингни берсанг ҳам,
Сирингни берма.

* * *

Ёвдан қўрққан — ёвга дўст.

* * *

Ёз емасанг қиш ғамин,
Ҳолингга вой, бўл амин.

* * *

Ёз ёмғири лой бўлмас,
Уғри асло бой бўлмас.

* * *

Ёз меваси — қиш хазинаси.

* * *

Ёз ҳаракати — соз ҳаракат.

* * *

Ёзнинг гилами кенг.

* * *

Ёзнинг ёзиғи — қишнинг озиғи.

* * *

Ёзни қўйиб қиш дема,
Қишга яраша ишинг бор.

* * *

Ёзда ёпинчиғингни қўйма,
Қишда ўзинг биласан.

* * *

Ёзда чанқамаган,
Чой қадрини билмас.

* * *

Ёзги меҳнат — қишки роҳат.

* * *

Ёли бўлиқ эшакдан,
Яғир бўлса ҳам от яхши.

* * *

Ёлғиз бошим деган очдан ўлар.

* * *

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

* * *

Ёлғиз уйда қозон қайнамас.

* * *

Ёлғиз ғоз товуш бермайди.

* * *

Ёлғон мақол турмайди,
Рости мутлоқ ўлмайди.

* * *

Ёлғоннинг ёнига йўлама.

* * *

Ёлғоннинг умри қисқа.

* * *

Ёлғончи гавҳарни қол қилар¹.

* * *

Ёлғончининг баҳонаси кўп,
Текинхўрнинг ошнаси.

¹ Темир тўпонига тенглайди маъносида.

* * *

Ёлғончининг рост сўзига ҳам ишонма.

* * *

Ёмон арида бол бўлмас,
Сувсиз ерда тол бўлмас.

* * *

Ёмон бош — ёғсиз ош.

* * *

Ёмон даллол — ёнидан.

* * *

Ёмон ер бўлмайди,
Ёмон эр бўлади.

* * *

Ёмон ёрнинг боридан йўғи,
Очидан тўқи.

* * *

Ёмон йўлдош ёв бўлади,
Охир иши дов бўлади.

* * *

Ёмон йўлдош ҳамроҳини қаритар.

* * *

Ёмон касб йўқ,
Ёмон киши бор.

* * *

Ёмон кўз тошни ёради.

* * *

Ёмон — илон,
Илоннинг феъли аён.

* * *

Ёмон итнинг оти
Бўрибосар бўлармиш.

* * *

Ёз қоқиси қишга дори.

* * *

Ёмон отга ёл битар,

* * *

Ёмон от охурга ёлчимас.

* * *

Ёмон товуқ сомон сочар,
Ўз айбини ўзи очар.

* * *

Ёмон яхши билан қотишмайди.

* * *

Ёмон қариндошдан ёт яхши.

* * *

Ёмонни юборсанг,
Билдириб келар.
Яхшини юборсанг,
Тиндириб келар.

* * *

Ёмоннинг бети қурсин,
Сахтиён эти қурсин.

* * *

Ёмоннинг берган ошидан
Яхшининг берган сўзи яхши.

* * *

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ.

* * *

Ёмоннинг ёқаси йиртиқ.

* * *

Ёмоннинг касофати бир чақирим илгари юрар.

* * *

Ёмоннинг кучи япалоққа етар.

* * *

Ёмоннинг тўйдан
Яхшининг сўхбати аъло.

* * *

Ёмоннинг яхшиси бўлгунча
Яхшининг ёмони бўл.

* * *

Ёмонни ёмон десанг — ёв,
Яхшини яхши десанг — ёғ.

* * *

Ёмонни — танқид,
Яхшига — тақлид.

* * *

Ёмонга бош бўлгунча,
Яхшига йўлдош бўл.

* * *

Ёмонга суйкансанг доғи юқар,
Деворга суйкансанг тупроғи.

* * *

Ёмонга эл бўлдинг —
Охири ер бўлдинг.

* * *

Ёмондан бир тук.

* * *

Ёмондан доғ қолар,
Яхшидан боғ қолар.

* * *

Ёмондан ёрти қошиқ.

* * *

Ёмондан яхшилик кутма.

* * *

Ёмондан қоч,
Яхшига қучоқ оч.

* * *

Ёмонликни яхшилик билан енг,

* * *

Ёмғир билан ер кўқарар,
Меҳнат билан эр кўқарар.

* * *

Ёмғир билан ер кўқарар,
Тинчлик билан эл кўқарар.

* * *

Ёмғирдан ўт-ўлан ўсар,
Қўшиқдан — кўнгил.

* * *

Ён қўшни — жон қўшни.

* * *

Ёнмаган — ўз кунини ёрита олмас.

* * *

Ёпинчиқли — ёмғирдан ивимайди.

* * *

Ёрингни гул орасидан,
Эркингни эл орасидан изла.

* * *

Ёришиб ёққан ҳаводан қўрқ.

* * *

Ётган — ёвга ёқар.

* * *

Ётган илоннинг бошини қўзғама.

* * *

Ётган туяга думалаган қамғоқ.

* * *

Ётиб ейишга тоғ ҳам чидамайди.

* * *

Ёш болали уйда ёлғон яшамас.

* * *

Ёш келса — ишга,
Қари келса — ошга.

* * *

Ёш кетаман деб қўрқитар,
Қари ўламан деб.

* * *

Ёш қари бўламан деб куйдирар,
Қари ёш бўламан деб.

* * *

Ёшдан — хато,
Каттадан — узр.

* * *

Ёши улуғни улуғлаган бахт топар.

* * *

Ёшликда берсин меҳнат,
Қариганда берсин давлат.

* * *

Ёшликда ўрганган ҳунар
Ўзингга ўлжага қолар.

* * *

Ёшлигимда меҳнат бер,
Қартайганда — қувват.

* * *

Ёшликда ғайрат — кексаликда роҳат.

* * *

Ёшликда билгани — тошга ёзгани,
Қариликда билгани — музга ёзгани.

* * *

Еғ еганда ёт яхши,
Қон ичганда қариндош.

* * *

Еғоч кессанг — узун кес, йўнса бўлур,
Темир кессанг — калта кес, чўзса бўлур.

Ж

Жанг майдонида томошабинга на ҳожат.

* * *

Жанжал бўйинга ортилган юк.

* * *

Жанжалли уйда барака бўлмас.

* * *

Жаҳл — душман,
Ақл — дўст.

* * *

Жаҳл — жоҳилнинг қуроли,
Ақл — онглининг.

* * *

Жаҳлдан кексаясан,
Кулгидан ёшарасан.

* * *

Жаҳлинг чиқса ўзингни бос.

* * *

Жиловсиз хаёл — дайди шамол.

* * *

Жимжилоққа хасмол чиқса,
Бош оғримай қолмайди.

* * *

Жон берганга жон бер.
Жой берганга жой бер.

* * *

Жон чекмасанг жонона қайда,
Тоққа чиқмасанг дўлона қайда.

* * *

Жони борнинг умиди бор.

* * *

Жун кўйлакка жун жияк.
Ошхонага мис курак.

* * *

Жун чакмон йиртиқ бўлса ҳам,
Ёмғирга ярайди.

* * *

Жўн хиромдан тикилган кенг этик
Қиммат баҳо тор этикдан афзал.

3

Заифга бағрингни оч.

* * *

Замони бирнинг куйи бир.

* * *

Зар қадрини заргар билар,
Чилангар нени билар.

* * *

Золимдан вафо тилама.

* * *

Зулм — хўрланганни бирлаштиради.

* * *

Зўр овчи шер отади.

* * *

Зўраки кулгидан
Севинч ёши яхши.

* * *

Зўрлаб севдириш —
Музга бино қуриш.

* * *

Зўрликнинг туби хўрлик.

И

Игир¹ бўлса,
Одам ўлмайди.

* * *

Игна билан битадиган ишга
Жуволдиз на ҳожат.

* * *

Игна билан қудуқ қазиб бўлмайди.

* * *

Игна ўтган жойдан ип ҳам ўтади.

* * *

Игна ўғирлашга журъат қилган
Сигир ўғирлашга ҳам ўтади.

¹ Игир — доривор гиёҳ илдизи.

* * *

Игна қаерда бўлса,
Ип ҳам уша ерда.

* * *

Идрок — ақлнинг жилови.

* * *

Из қувган излаганни топади.

* * *

Излаган топар.

* * *

Излаганга толе ёр.

* * *

Икки ёрнинг уришгани — ўйнашгани.

* * *

Икки пичоқ бир қинга сиғмас,
Икки севги бир кўнгилга сиғмас.

* * *

(Икки суюк бир кўнгилга сиғмас).

* * *

Икки тарвуз бир қўлтиққа сиғмайди.

* * *

Икки шунқор талашса,
Бир қарғага ем тушар.

* * *

Икки яхши қўшилса,
Бирини бири қийишмайди.

Икки ёмон қўшилса,
Кенг дунёга сиғишмайди.

* * *

Икки қуённи қувлаган
Бирисини ҳам туютмас.

* * *

Икковга биров ботолмас,
Отлиққа яёв етолмас.

* * *

Илдиз озиқ берса,
Новда кўкарар.

* * *

Илинганга илик тут.

* * *

Илиқ сўз шакардир,
Совуқ сўз заҳардир.

* * *

Иллат кетади,
Одат кетмайди.

* * *

Илм — ақл чироғи.

* * *

Илм истасанг такрор қил.

* * *

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

* * *

Илми ҳикмат сувни ёндираар,

* * *

Илму ҳунар ерга эмас, элга.

* * *

Илмсиз тажриба — боши берк кўча.

* * *

Илон ялпиздан қочади.

* * *

Илон ўзининг эгрилигини билмай,
Туянинг бўйнини эгри дебди.

* * *

Илоннинг ёмон кўрган ўти
Инининг оғзида ўсар.

* * *

Илоннинг сирти юмшоқ бўлса ҳам,
Ичи заҳар.

* * *

Илонни кўр қилган зумрад
Кўрни тузатади.

* * *

Илонга ҳеч ким ўз кўксидан жой бермайди.

* * *

Илон чаққан арқондан кўрқар.

* * *

Илондан эҳсон тилама.

* * *

Иморат қилган киши ўлишини ўйламайди.

* * *

Иноқ оилада бешик бўшамас.

* * *

Инсон бўлсанг вафо қил,
Вафосизлик хато, бил,

* * *

Инсон умри — дарах суви.

* * *

Инсон қалби қуёшдан ёруғ.

* * *

Инсоннинг жони тошдан қаттиқ,
Гулдан нозик.

* * *

Инсофли — ошини ер,
Инсофсиз — бошини.

* * *

Инсофсизга эрк берсанг,
Элни талар.

* * *

Ип қанча узун бўлмасин,
Барибир учи топилади.

* * *

Ипак билан бошланган ишни ип билан тугатма.

* * *

Ипак қурт — қизларнинг сепи.

* * *

Ипакликка ипаклик ямоқ,
Юнгга — юнг.

* * *

Ипим чирик бўлгунча,
Ипинг чирик бўлса бўлмасми.

* * *

Иссиқ — суяк синдирмас,
Совуқ — жонни тиндирмас.

* * *

Ит итлигини қилар.

* * *

Ит очиқ қолган қозонни ялайди.

* * *

Ит тишлаган одам сувдан чўчийди.

* * *

Ит тумшуғини тиққан ерга
Сув ичгани шер келмас.

* * *

Ит қутурса эгасини қопар.

* * *

Ит кўрқоқни қопади.

* * *

Ит ҳурар — карвон ўтар.

* * *

Итнинг ори келса,
Суяк ташласанг ҳам емайди.

* * *

Итнинг оғзи теккан билан
Дарё суви ҳаром бўлмас.

* * *

Итни қопағон қилган — эгаси.

* * *

Итга ит ўлими.

* * *

Ич ёғи ёғ ўрнини босмайди.

* * *

Ичга ютган дард
Кишини сил қилади.

* * *

Ичак-чавоқ гўшт бўлмас,
Савдогар асло дўст бўлмас.

* * *

Иш бор ерда — ош бор.

* * *

Иш деса — айёр,
Ош деса — тайёр.

* * *

Иш иштаҳа очар,
Дангаса ишдан қочар.

* * *

Иш кучини елга берма,
Ерга бер.
Жамғармани селга берма,
Элга бер.

* * *

Иш устасидан қўрқар.

* * *

Иш қуролнинг соз бўлса,
Машаққатнинг оз бўлар.

* * *

Ишни эртага қўйсанг — меҳнат,
Ошни эртага қўйсанг — роҳат.

* * *

Ишни қилар Машариф,
Муштни ейди Миршариф.

* * *

Ишга нўноқ,
Ошга ўртоқ.

* * *

Ишимнинг боши йўқ,
Ошимнинг моши йўқ.

* * *

Иши йўқ ит суғоради.

* * *

Иши кечнинг куни кеч.

* * *

Ишлаган — тишлайди,
Ишламаган — кишнайди.

* * *

Ишлаганнинг иши битар,
Кишнаганнинг куни ўтар.

* * *

Ишбилармон деҳқоннинг кетмони
Ернинг танобини узади.

* * *

Ишёқмасга иш буюрсанг,
Отангдан ортиқ насиҳат қилади.

* * *

Ишламай еган оғримай ўлар.

* * *

Ишонган тоғда кийик ётмас.

* * *

Ишонч — куч,
Ишонтириш — санъат.

* * *

Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди.

* * *

Ишқсиз — эшак,
Дардсиз — кесак.

Й

Йигит бўлсанг мард бўл.

* * *

Йигит сўзидан қайтмас,
Арслон — изидан.

* * *

Йигит ҳусни — ҳунар.

* * *

Йигитнинг бахтини
Меҳнатнинг зўри очади.

* * *

Йигитнинг сараси ёв босганда билинади.

* * *

Йигитнинг шаҳди қайтгунча,
Ҳўкизнинг шохи синсин.

* * *

Йигитни йўл боқади.

* * *

Йилнинг яхши келиши баҳордан маълум.

* * *

Йироққа қўйсанг,
Яқиндан оласан.

* * *

Йиртиқ тўн кўрса,
Ит ҳам қопади.

* * *

Йиқилганни ер кўтаради.

* * *

Йиғлай-йиғлай ариқ қазисанг,
Уйнай-ўйнай сув ичасан.

* * *

Йўл азоби — гўр азоби.

* * *

Йўл тани,
Йўлга чиқсанг дўст тани.

* * *

Йўлни йўлчи енгади.

* * *

Йўлдан адашсанг,
Ит ҳуриган ёққа бор.

* * *

Йўлдан чиқсанг чиқ,
Элдан чиқма.

* * *

Йўл юрган хазинага йўлиқади.

* * *

Йўлбарс терисини ёпинган
Баҳодир бўлавермайди.

* * *

Йўлбарс ўлса — териси қолар,
Одам ўлса — номи.

* * *

Йўлга чиқсанг, яроқли чиқ,
Ёлғиз чиқмай ҳамроҳли чиқ.

* * *

Йўлинг равон бўлса,
Манзил яқин бўлар.

* * *

Йўлдошини ташлаган йўлда қолади.

* * *

Йўртоқ йўрғага йўлдош бўлмас,
Бургут қарғага сирдош бўлмас.

* * *

Йўрға минган
Йўлдошига қарамас.

* * *

Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.

* * *

Йўқча гуруч ош бўлур,
Меҳмон кўнгли шод бўлур.

К

Калла солган уйдан
Бир ҳафта ит аримас.

* * *

Камбағал бош кўтарса,
Бой тош кўтаради.

* * *

Камбағал бўлсанг гилам сол.

* * *

Камбағал бўлсанг духоба кий.

* * *

Камбағалнинг пули — пешона тери.

* * *

Камбағаллик айб эмас.

* * *

Камбағалнинг кўзига
Кепчик нон бўлиб кўринар.

* * *

Ками — қарор,
Кўпи — зарар.

* * *

Камтарга — камол,
Манманга — завол.

* * *

Камтарлик — аълодир,
Мағрурлик — балодир.

* * *

Кана сигирнинг туюғига эмас,
Қулоғига тушади.

* * *

Карвондан кейин қолдинг,
Ўзингга кулфат олдинг.

* * *

Капгир осеғлик тургани билан
Барибир қозоннинг четига уради.

* * *

Карнайчидан ошнанг бўлса,
Қулоғингга пахта тиқ.

* * *

Касал битта,
Давоси мингта.

* * *

Касал тишли оғиз — синиқ тошли тегирмон.

* * *

Касал қоплаб келиб,
Мисқоллаб кетади.

* * *

Касални яширсанг,
Иситмаси ошқора қилар.

* * *

Касалга даво топилса ҳам,
Анқовга даво топилмас.

* * *

Касалмен дема,
Касалнинг ҳам қулоғи бор.

* * *

Катта арава қаердан юрса,
Кичик арава ҳам шу ердан юради.

* * *

Катта дарахтнинг сояси ҳам катта.

* * *

Катта дарё ҳайқирмас,
Ақлли киши бақирмас.

* * *

Катта карвонга катта йўл.

* * *

Каттага ҳурматда бўл,
Кичикка иззатда бўл.

* * *

Катта-катта гапиргунча,
Катта бурда нон тишла.

* * *

Кеккайиш теракка ярашади.

* * *

Кеккайганга кеккайгин
Бошинг кўкка етгунча,
Эгилганга эгилгин
Бошинг ерга теккунча.

* * *

Келини келганда кўр,
Сепини ёйганда кўр.

* * *

Келинингни қарғама,
Ўғлингга уради.
Куёвингни қарғама,
Қизингга уради.

* * *

Келинойинг — кейинги ойинг.

* * *

Келмоқ — ихтиёр билан,
Кетмоқ — ижозат билан.

* * *

Кемага тушганнинг жони бир.

* * *

Кемада туриб кемачига кўз олайтирма.

* * *

Кенг бичилган тўн тўзмас.

* * *

Кенг — кенгашиб йиртилади,
Тор — тортишиб.

* * *

Кенг тўн йиртилмайди,
Кенгашли тўй бузилмайди.

* * *

Кенгга кенг дунё,
Торга тор дунё.

* * *

Кенгаш фикр — қуйма фикр.

* * *

Кенгаш қилган эл озмас.

* * *

Кенгашмай — тенглашма.

* * *

Кенгашли тўй тарқамас.

* * *

Кенгашли тўн кенг келар.

* * *

Керакли тошнинг оғири йўқ.

* * *

Керилма ғоз,
Хунаринг оз.

* * *

Кетган келади,
Кетмонлаган келмайди.

* * *

Көч эккан экиннинг хатоси бор.

* * *

Кеча кишини кишиликтан чиқаради.

* * *

Кечаси ётиб ўйла,
Эртаси туриб сўйла.

* * *

Кийик қувган қуённи пайқамайди.

* * *

Кийикли тоғ — суюкли тоғ.

* * *

Кийимнинг янгиси яхши,
Дўстнинг — эскиси.

* * *

Кийиминг кир бўлса,
Қўшнинг борида юзма.

* * *

Кир кўйлакка кишан ёқа.

* * *

Китоб — ақл қайроғи.

* * *

Кишан олтин бўлса ҳам кишан.

* * *

Киши меҳнатдан топади.

* * *

Киши юртида шоҳ булгунча,
Ўз юртингда гадо бўл.

* * *

Кишининг руҳи тушса,
Оти ҳам чополмайди.

* * *

Кишининг тилига боқма,
Дилига боқ.

* * *

Кишининг юраги сирли осмон,
Севгисизнинг юраги хас-сомон.

* * *

Кишининг ҳурмати — тилида,
Қудрати — қўлида.

* * *

Колхоз — барака дарёси.

* * *

Колхоз моли кимники?
Ким ишласа — шуники.

* * *

Косов узун бўлса қўл куймас.

* * *

Куз неъмат — қиш ғанимати.

* * *

Куз ғамини ёз ўйла,
Ёз ўйламанг юз ўйла.

* * *

Кузнинг бир куни
Қишнинг бир ойини боқар.

* * *

Кузнинг қандай келиши баҳордан маълум.

* * *

Куйкунак ўз ерида ҳам ғоз олар, ҳам ўрдак.

* * *

Кул — ўчоққа,
Қўл — товоққа.

* * *

Кулиб турсанг йигитдек,
Сиқилмайсан чигитдек.

* * *

Кулганга кула етасан.

* * *

(Кулганни кулиб енгасан)

* * *

Кулги умрга умр қўшади.

* * *

Кулдиргандан кутгунча,
Йиғлатгандан кут.

* * *

Кулол мўндида сув ичади.

* * *

Кун ҳисобин ой олар,
Бедов ўрнин той олар.

* * *

Кунда еган оч бўлар,
Ойда еган тўқ бўлар.

* * *

Кунда ўлгандан кўра,
Бир марта ўлган афзал.

* * *

Кундош — бошингда тош, кўзингда ёш.

* * *

Кундошлик — кўнгил ғашлик.

* * *

Кураш қурбонсиз бўлмас.

* * *

Кутганнинг вақти ўтмас,
Шошганнинг иши унмас.

* * *

Кутилмаган қўноқ — йўнмаган таёқ.

* * *

Куч эгмагани
Сўз эгар.

* * *

Кучинг борида йўл тани,
Ақлинг борида эл тани.

* * *

Кучсиз қолиб эзилгунча,
Кучаниб эз.

* * *

Кўз — дил ойнаси.

* * *

Кўз ёш — қайғуга йўлдош.

* * *

Кўз кўзга тушар,
Уят ичга тушар.

* * *

Кўз кўрса ҳам тиш ўтмайди.

* * *

Кўз — тан қоровули,
Ақл — жон қоровули.

* * *

Кўз учи билан кўзлама,
Кўзларингга зўр келар.
Тил учи билан сўзлама,
Ўзингга зарар келар.

* * *

Кўз қаерда бўлса,
Меҳр ҳам ўша ерда.

* * *

Кўз — кўрқоқ,
Қўл — ботир.

* * *

Кўздан нари — кўнгилдан нари.

* * *

Кўза кунда синмайди,
Кунда синади.

* * *

Кўзбўямачи тулки бўлади,
Халқ ичида кулки бўлади.

* * *

Кўзи сўқирдан кўрқма,
Юраги сўқирдан кўрқ.

* * *

Кўзи тўқнинг кўнгли тўқ.

* * *

Кўзига ишонган
Қийшиқ ўлчар.

* * *

Кўкармас тошга ёмғир ёғса ҳам кўп.

* * *

Кўкка боққан йиқилар.

* * *

Кўкка боқма,
Кўпга боқ.

* * *

Кўклам меҳнат билан кўркам.

* * *

Кўкракдан чиққан бола
Чайнаб берганга тўймас.

* * *

Кўмаклашган иш — битар.

* * *

Кўммани кўрган урар.

* * *

Кўнгил — дарвозасиз қалъа.

* * *

Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

* * *

Кўнгил яйраса,
Қовурғага жир битади.

* * *

Кўнгил ўйга тўймайди,
Қулоқ — сўзга.

* * *

Кўнгилсиз гапнинг кечиккани яхши.

* * *

Кўнглинг кенг — ўйинг кенг.

* * *

Кўнглинг тўғри — йўлинг тўғри.

* * *

Кўнгли очиқнинг қўли очиқ.

* * *

Кўп билан кенгаш,
Ўз билганиндан қолма.

* * *

Кўп билсанг ҳам,
Кўпдан ортиқ билмайсан.

* * *

Кўп бўлса — кетади,
Оз бўлса — етади.

* * *

Кўп гап — ортиқча юк.

* * *

Кўп гап бузоқ эмизар,
Бузоқ таёқ егизар.

* * *

Кўп ёйилса — йўқ топилар.

* * *

Кўп ишлаган кўп яшайди.

* * *

Кўп отган билан мерган бўлмас,
Кўп айтган билан чечан бўлмас.

* * *

Кўп оғиз бир бўлса,
Бир оғиз йўқ бўлар.

* * *

Кўп яшаган эмас,
Кўп кўрган билар.

* * *

Кўп яшагандан сўрама,
Кўп кўргандан сўра.

* * *

Кўп қақиллаган товук
Кам тухум қилади.

* * *

Кўпдан кўп ақл чиқади.

* * *

Кўпни билган оз сўзлар,
Оз бўлса ҳам соз сўзлар.

* * *

Кўпни кўрган кўп билади.

* * *

Кўпга кесак отма.

* * *

Кўпдан қуён қочиб қутулмас.

* * *

Кўпчилик — кўл,
Унуми — мўл.

* * *

Кўп тупурса — бўрон бўлур.

* * *

Кўпчилик қайда бўлса,
Тўқчилик шунда бўлар.

* * *

Кўппак югургани билан този бўлмас.

* * *

Кўр кўзга қуёш ҳам қоронғи.

* * *

Кўр қўйгани соғ топмас.

* * *

Кўрнинг умиди — икки кўзи.

* * *

Кўрган — кўз,
Олган — ақл.

* * *

Кўрганни эшитган енгар.

* * *

Кўринган тоғнинг йироғи йўқ.

* * *

Кўрмаган ернинг чуқури кўп.

* * *

Кўрмаганнинг кўчаси кўп.

* * *

Кўрпангга қараб оёқ узат.

* * *

Кўча — хандон,
Уй — зиндон.

* * *

Кўчада ётган суякни
Қайси ит ғажимайди.

* * *

Кўҳликка кумуш тақсанг ярашар.

Л

Лабз — пулдан қиммат.

* * *

Лабзи ҳалолнинг юзи ёруғ.

* * *

Лайлакнинг юришини қиламан дёб,
Чумчуқнинг чатаноғи йиртилибди.

* * *

Лашкарбоши уста бўлса,
Душман оёғи осмонда.

* * *

Лочин билан йўлдош бўлсанг,
Ҳунаринг ов бўлади.

* * *

Лўлининг чирмандаси ёрилса,
Гардиши маймунга ўйинчоқ бўлади.

М

Мард келдинг,
Мард кет.

* * *

Майдонда синалган — элда азиз.

* * *

Мард бир ўйлар,
Номард юз ўйлар.

* * *

Мард номардга тиз чўкмас,

* * *

Мард омадли бўлади.

* * *

Мард туғилган мард ўлар.

* * *

Мардни меҳнат енголмас.

* * *

Марднинг сўзи ўлгунча,
Номарднинг бўйни узилсин.

* * *

Марднинг ҳар ерда манзили бор.

* * *

Мартабангни осмон билсанг,
Қудратингни ер бил.

* * *

Маст киши учун гулзор билан шўразор барабар.

* * *

Мастлик — пастлик.

* * *

Мақолнинг боши очиқ.

* * *

Мақтанганнинг уйига бор,
Керилганнинг тўйига бор.

* * *

Мақсадсиз киши — жиловсиз суворий.

* * *

Мақтанчоқ бекорчига ўйинчоқ.

* * *

Маъноси йўқ гапдан
Донаси йўқ чўп яхши.

* * *

Маъшуқ қайда бўлса,
Ошиқ шу ерда бўлар.

* * *

Мевали дарахтга тош тегади.

* * *

Менинг нафсим балодир,
Ёнар ўтга соладир.

* * *

Мерган овда билинар,
Ботир ёвда билинар.

* * *

Меҳмон келса эшикдан,
Ризқи келар тешикдан.

* * *

Меҳмон мезбонга азиз,
Мезбон меҳмонга.

* * *

Меҳмон — отангдан улуғ.

* * *

Меҳмоннинг олдида
Мушугингни «пишт» дема.

* * *

Меҳнат — бахт келтирар,
Ғийбат — лат.

* * *

Меҳнат ерда қолмас.

* * *

Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат.

* * *

Меҳнат — роҳатнинг пойдевори.

* * *

Меҳнат эл бахтини тузар.

* * *

Меҳнат қилиб топганинг
Қанду асал тотганинг,

* * *

Меҳнат қилсанг,
Қарам бўлмайсан.

* * *

Меҳнат ҳам эгиз-эгиз,
Давлат ҳам эгиз-эгиз.

* * *

Меҳнат қилсанг яшарсан,
Катта-катта ошарсан.

* * *

Меҳнатдан дўст ортар,
Гийбатдан душман.

* * *

Меҳнатдан келса бойлик,
Турмушинг ҳам чиройлик.

* * *

Меҳнатдан кўрқма,
Миннатдан кўрқ.

* * *

Меҳнатда синалган элда азиз.

* * *

Меҳнатда туғилган муҳаббат
Вафо келтиради.

* * *

Меҳнатига яраша роҳати.

* * *

Меҳнатсиз топилган ошдан
Меҳнатда топилган тош яхши.

* * *

Меҳнаткаш тошни ёрар.

* * *

Меҳр — кўзда.

* * *

Меҳр тошқини дарёдан кучли.

* * *

Минг йўлдошдан
Бир сирдош яхши.

* * *

Минг марта эшитгандан
Бир марта кўрган аъло.

* * *

Минг ўйла,
Бир сўйла.

* * *

Минг қўшчига бир бошчи.

* * *

Мингта сиз-биздан
Битта жиз-биз яхши.

* * *

Миннат — ҳимматнинг душмани.

* * *

Миннатли ошдан
Беминнат ёвғон яхши.

* * *

Миннатли тилладан
Беминнат чақа яхши.

* * *

Мозор зулматга тортар,
Мактаб — қуёшга.

* * *

Мол деган қўлнинг кири,
Ювса кетар.
Тирик қўлга мол битар,
Ўлган кетар.

* * *

Мол кетса кетсин,
Бош омон бўлсин.

* * *

Мол оласи сиртида,
Одам оласи ичида.

* * *

Мол сақлама,
Ор сақла.

* * *

Мол семирса ёғ бўлур,
Қўриқ очилса боғ бўлур.

* * *

Мол топгунча ҳисоб топ.

* * *

Мол — хас.

* * *

Мол чиқасига келса,
Эгаси сабаб.

* * *

Молга берсанг соз емиш,
Боқар сени ёзу қиш.

* * *

Молинг зотли — емишинг тотли.

* * *

Молинг сара бўлгунча
Бозоринг сара бўлсин.

* * *

Молли колхоз — мойли колхоз.

* * *

Молхонада бузоқ туғилса,
Ариқда ўти чиқади.

* * *

Мош сиғмаса ловияни итарма.

* * *

Мошовамиз қайнапти,
Қизи сақич чайнапти.

* * *

Музга суйанма,
Ёвга сиғинма.

* * *

Мулла билганин ўқир,
Бўзчи билганин тўқир.

* * *

Мушк қутичаси сандиқда сақланиб қолади.

* * *

Мушт уймоқдан
Ғишт қуймоқ яхши.

* * *

Мушук йўқ жойда сичқон подшо.

* * *

Мушукнинг боласи онасига ўхшаб миёвлайди.

* * *

Мушукка — ўйин,
Сичқонга — қийин.

* * *

Муғомбир тумшуғидан илинар.

* * *

Муҳаббат — бир сўз,
Мазмуни — дунё.

* * *

Муҳаббат дилнинг меваси.

* * *

Муҳаббат кўзда бўлмайди,
Юракда бўлади.

* * *

Муҳаббат тарозусини тортишни билмасанг,
Мисқол ҳам оғирлик қилади.

* * *

Муҳаббат — ўт-олов.

* * *

Мўгуз лат еса,
Туёқ сирқирар.

Н

Нари борсам хўкиз ўлар,
Бери келсам арава синар.

* * *

Нася қуйруқдан
Нақд ўпка яхши.

* * *

Нафсинг тергови,
Жониворнинг гўркови бўлмас.

* * *

Нафси бузуқ — бадном,
Нияти бузуқ — беомон.

* * *

Нафси ёмон ҳайитда ўлар.

* * *

Ниначининг минг ургани,
Темирчининг бир ургани.

* * *

Новдани ёшлигида эг.

* * *

Нодон гапирар,
Доно таққослар.

* * *

Нодон дўст — жафо.
Чин дўст — вафо.

* * *

Нодон зарбоф тўнда ҳам нодон,
Билимдон чурукда ҳам билимдон.

* * *

Нодон сўзлар,
Доно ибрат олар.

* * *

Нодонга — калтак,
Донога — ишора.

* * *

Нокастадан қарз сўрагунча,
Итдан суяк сўраган афзал.

* * *

Нолиш билан иш битмайди,
Мард номардга тиз чўкмайди.

* * *

Номарднинг қўлидан зарбоф тўн кийгунча,
Марднинг қўлидан заҳар ич.

* * *

Номус — ярим ўлим.

* * *

Номус — ўлимдан ёмон.

* * *

Номус — ўлимдан қаттиқ.

* * *

Номусни ёшлиқдан сақла.

* * *

Номуссиз ҳаётдан
Номусли ўлим яхши.

* * *

Нон — асли дон.

* * *

Нон емоқчи бўлсанг,
Ўтин ташишдан эринма.

* * *

Нон қўйнимда,
Ит кейнимда.

* * *

Нон ҳам нон,
Ушоғи ҳам нон.

* * *

Нонни икки кунлигини е,
Гўштни бир кунлигини.

* * *

Номид — шайтон.

* * *

Ноўрин ғурур бошга бало бўлур.

* * *

Нур ёғди — дур ёғди.

* * *

Нуқсонсиз дўст қидирган дўстсиз қолади.

О

Обжувоз — қозоннинг қаймоғи.

* * *

Обод қилган
Обод бўлади.

* * *

Обрў ошдан,
Жанжал қариндошдан.

* * *

Обрў излашдан кўра
Иш кўрсатган афзал.

* * *

Ов бор жойда
Овчи ҳам бўлади.

* * *

Ови юрганнинг дови юради.

* * *

Овул ити ола бўлса ҳам,
Ёв келганда бирга бўлар.

* * *

Овулга айтса ошади,
Қўшнига айтса қўшади.

* * *

Овчи овчиликни қанча билса,
Айиқ ҳам қочиш йўлини шунча билади.

* * *

Овчининг зўри шер отар,
Йигитнинг зўри ер очар.

* * *

Овқат таъми туз билан,
Одам таъми сўз билан.

* * *

Одам — одам билан,
Писта — бодоми билан.

* * *

Одам одамга қувват.

* * *

Одам одамга ғанимат.

* * *

Одам темирдан қаттиқ,
Гулдан нозик.

* * *

Одам ҳусни меҳнатда.

* * *

Одамнинг боши — сойнинг тоши.

* * *

Одамнинг гапи — ернинг ўти.

* * *

Одамнинг тизгини — ақл.

* * *

Одамнинг ҳоврини одам кўтаради.

* * *

Одамни пўстин эмас,
Иш қиздиради.

* * *

Одамнинг ҳусни — инсоф.

* * *

Одамни одам йўқламаса,
Қисир қўйнинг туёғидан ҳам қадрсиз бўлади.

* * *

Одамни пўстин эмас,
Иш қиздирар.

* * *

Одамни қувиш осон,
Ёрдам қилиш қийин.

* * *

Оламни қуёш,
Инсонни илм ёритади.

* * *

Одамга — либос,
Эшакка — тўқим.

* * *

Одамзодни иш овутади.

* * *

Одоб бозорда сотилмас.

* * *

Одобни беодобдан ўрган.

* * *

Одобинг — обрўйинг.

* * *

Одобли бола оламга манзур.

* * *

Одобли киши — зийнатли,
Зийнатли киши — ҳурматли.

* * *

Одобли — элда азиз.

* * *

Одобнинг боши — тил.

* * *

Оёққа чўлғов қилсанг-да,
Асил ипак бўз бўлмас.

* * *

Оёғи ёмон тўрни булғар,
Оғзи ёмон элни булғар.

* * *

Оз бўлса етар,
Кўп бўлса кетар.

* * *

Оз-оз емоқ — соз емоқ,

* * *

Оз ошга индов йўқ.

* * *

Оз ошим — ғовғасиз бошим.

* * *

Оз сўз — соз сўз.

* * *

Оз сўзла,
Кўп тингла.

* * *

Озига чидаб турмаган
Кўпига асло тўймас.

* * *

Озуқли от ҳоримас.

* * *

Ой сулуви — нур.
Сой сулуви — сув.

* * *

Ой ўтовласа — ойлик,
Кун ўтовласа — кунлик ғамингни е.

* * *

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса,
Ун беши ёруғ.

* * *

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

* * *

Ойда ҳам доғ бор.

* * *

Ойдинда оқсоқ ҳам сайр қилгиси келади.

* * *

Ол деса ола қопни олиб қочма.

* * *

Ола эккан оз олур,
Роса эккан соз олур.

* * *

Ола яхоб — бало яхоб.

* * *

Ола тўғаноқ олғир бўлса ҳам
Аҳволи маълум.

* * *

Олақарға ўз номини айтиб чақирар экан.

* * *

Олақарға қағ этади,
Ўз вақтини чоғ этади.

* * *

Олдин кулган
Кейин қизарар.

* * *

Олдин ўзинга боқ,
Сўнг ноғора қоқ.

* * *

Олдиндагини олти ой қидирасан.

* * *

Олти хотин бор ерда
Олой бозори очилар.

* * *

Олти яшар йўлдан келса,
Олтмиш яшар кўргани борар.

* * *

Олтин ерда қолмас,
Яхшилик — йўлда.

* * *

Олтин излама,
Ҳунар изла.

* * *

Олтин-қумуш — тош,
Арпа-буғдой — ош.

* * *

Олтин-қумушнинг эскиси бўлмас,
Ота-онанинг баҳоси бўлмас.

* * *

Олтин олма,
Олқиш ол.

* * *

Олтин лойда ҳам олтин.

* * *

Олтин зангламас.

* * *

Олтин узукка
Ёқут кўз.

* * *

Олим бўлсанг — олам сеники.

* * *

Олим бўлсанг такрор қил,
Деҳқон бўлсанг шудгор қил.

* * *

Олимга ўлим йўқ.

* * *

Олма олмани кўриб ранг олади.

* * *

Олманинг пўстлигига ишонма,
Душманнинг дўстлигига.

* * *

Олти кун оч қолсанг ҳам,
Отангни меҳмон қил.

* * *

Олтин —безак,
Чигит —тузак¹.

* * *

Олтин ўтда билинар,
Кўнгил муҳаббатда.

* * *

Олтин ўтда билинар,
Одам меҳнатда.

* * *

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

¹ Ризқ-рўз маъносида.

* * *

Олтовлон оғиздагин ундирар,
Еттовлон тепадагин кўндирар.

* * *

Олувчи — арслон,
Берувчи — сичқон.

* * *

Омад келса дарахтда ҳам нон битар.

* * *

Омадинг келмаса,
Қармоқдаги балиқ ҳам чиқиб кетади.

* * *

Она билан бола — гул билан лола.

* * *

Она юртинг — олтин бешик.

* * *

Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.

* * *

Онанинг кўнгли болада,
Боланинг кўнгли далада.

* * *

Онангни отангга бепардоз кўрсатма.

* * *

Онасининг боласи
Қантак ўрик донаси.
Отасининг боласи
Нашватининг сараси.

* * *

Орсиз турмушдан
Орли ўлим яхши.

* * *

Орсизнинг юзига тупурса,
«Кўклам ёмғири» дейди.

* * *

Орзу қанот бағишлайди.

* * *

Орзу қушдир,
Ирода — мадад.

* * *

Орзуга айб йўқ.

* * *

Орзусиз кўнгил — булбулсиз чаман.

* * *

Ортиқ қиламан деб,
Тиртиқ қилиб қўйма.

* * *

Орқадаги гап — охурдаги нушхўрд.

* * *

Орқадаги гап — охурдаги ем.

* * *

Осмонга туфласанг,
Бетингга тушади.

* * *

Осон ишнинг охи бор.

* * *

От айланиб қозигини топар,
Сув айланиб ёригини топар.

* * *

От бошига иш тушса,
Сўлиқ билан сув ичар.
Эр бошига иш тушса,
Этик билан сув кечар.

* * *

От изидан той борар.

* * *

От кимники — минганники.

* * *

От минган отасини унутади.

* * *

От минолмаган ношуд
Айбни узангига қўяр.

* * *

От минсанг ўйлаб узоқни,
Билиб юр йўлдаги тузоқни.

* * *

От олган охур солар .

* * *

От оёғидан топади,
Одам — кўлидан.

* * *

От оч қолса ёлини ейди,
Қуш оч қолса — патини.

* * *

От сурунмай йўл топмас,
Йигит чопмай мол топмас.

* * *

От тепкисини от кўтарар.

* * *

От топади,
Эшак ейди.

* * *

От топган — ёли йўқ,
Мол топган — ранги йўқ.

* * *

От чанқаса,
Икки қудуқдан сув ичар.

* * *

От кифтининг яғири
Боласига мерос қолади.

* * *

От ўлса ит қутураар,
Эшак ўлса — бўри.

* * *

От ўрнини той босар.

* * *

От ўлмас,
Арава синмас.

* * *

От қартаси ортади,
Асл тагига тортади.

* * *

От ҳам чавандозга ҳунарини кўрсатади.

* * *

Отанг боласи бўлма,
Одам боласи бўл.

* * *

Отадошингнинг оти ўзгунча,
Ҳамсоянгнинг тойи ўзсин.

* * *

Отаси ачиқ олма еса,
Ўғлининг тиши қамашади.

* * *

Отнинг туёғи туяникидек бўлса,
Тоғни кўтарар.

* * *

Отнинг ўлими — итнинг байрами.

* * *

Отни тепмайди дема,
Итни қопмайди дема.

* * *

Отни қўшга қўшганда кўр,
Келинни уйга тушганда кўр.

* * *

Отга — жабдуқ,
Одамга — либос.

* * *

Отга минолмасанг,
Узангидан ўпкалама.

* * *

Отга тақа қоққанда,
Қурбақа оёғини кўтарибди.

* * *

Оти ўлса тойи бор,
Нўхтаси ерда қолмайди.
Отаси ўлса ўғли бор,
Юрти вайрон бўлмайди.

* * *

Отинг борида йўл тани,
Ақлинг борида эл тани.

* * *

Отинг ёмон бўлса,
Армонинг кетар.
Боланг ёмон бўлса,
Дармонинг кетар.

* * *

Отинг югурик бўлса,
Юзинг ёруғ бўлади.

* * *

Отсиз оломон —
Сувсиз тегирмон.

* * *

Ота беҳунар бўлса,
Ўғли нимани ўрганар.

* * *

Ота бойлиги ерга сингар,
Меҳнат бойлиги элга сингар.

* * *

Ота бўлмаган, ота қадрини билмас.

* * *

Ота кўрган йўл бичар,
Она кўрган тўн бичар.

* * *

Отанинг амалига суяна кўрма,
Отанг тойса, сен йиқиласан.

* * *

Отанг борида эл тани,

* * *

(Отанг борида одам тани).

* * *

Отанг мироб бўлса ҳам,
Еринг қулоқда бўлсин.

* * *

Отангнинг боғ-бўстони билан қолгунча,
Онангнинг чарх калаваси билан қол.

* * *

(Отангнинг боғи-чарвоғи билан қолгунча,
Онангнинг пилта савати билан қол).

* * *

Отангга қилсанг,
Болангдан қайтади.

* * *

Отангни оти бозор.

* * *

Отангни ўлдирганга онангни бер.

* * *

Ота-онанг ўлса-ўлсин,
Ёр-дўстинг ўлмасин.

* * *

Отаси, гаранг, ўғли фаранг.

* * *

Отаси улгурмагани
Ўғли тугатар.

* * *

Отаси урмаган қўнғизни,
Боласи урар тўнғизни.

* * *

Отаси қилса зўрликни,
Боласи кўрар хўрликни.

* * *

Отилмаган соққон ҳам этга тегади,
Ҳам бетга тегади.

* * *

Офат кўрмай десанг. ҳушёр бўл.

* * *

Оч бўлсанг ҳам тўқдай бўл,
Йўқ бўлсанг ҳам бордай бўл.

* * *

Оч қоринга аччиқ сув.

* * *

Оч қоринга намақоб.

* * *

Оч қоринга сассиқ саримсоқ.

* * *

Очнинг ови юрмас.

* * *

Очқўз лочин тирноғидан айрилар.

* * *

Очилмас омборнинг қалити осмонда.

* * *

Очиққўллик доим яхшилиқ келтиради.

* * *

Очофат тиши билан ўзига гўр қазийди.

* * *

Ош бор жойда бош бор.

* * *

Ош деганда оч биқинига,
Гўшт деганда тўқ биқинига.

* * *

Ош тотифи — туз.

* * *

Ош эгаси билан тотли.

* * *

Ошнинг таъми туз билан,
Одамнинг таъми сўз билан.

* * *

Ошни аясанг — ошга,
Нонни аясанг — нонга.

* * *

Оши бузилган хотин
Гуруч эгри экан дейди.

* * *

Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич.

* * *

Ошиқ ўйнаган озар,
Ўпиқ ўйнаган тўзар.
Меҳнат қилиб нон еган
Ҳар иккисидан ўзар.

* * *

Ошиққину шошилма.

* * *

Ошхонадан айвон яхши,
Дангасадан ҳайвон яхши.

* * *

(Ошхонадан айвон яхши,
Чақимчидан ҳайвон яхши.)

* * *

Оқ бўлсанг онт ичма.

* * *

Оққўнгиллининг юзи кўркам.

* * *

Оқар сувнинг тўхтагани — тингани.
Оқсоқ кийик юз бўрсиққа етказмайди.

* * *

Оққан ариқ оқмай қолмас,
Оқмай қолса,
Икки кўзинг боқмай қолмас.

* * *

Оққан ариқни қуритган қурийди.

* * *

Оққан ариққа сув келади.

* * *

Оға-ининг тотув бўлса,
От кўп.
Опа-сингил тотув бўлса,
Ош кўп.

* * *

Оғзим бор деб гапираверма,
Уй ортида одам бор.

* * *

Оғзингга қон тўлса ҳам,
Душман олдида тупурма.

* * *

Оғзи билан ўроғ ўрган
Оёғи билан машоғ теради.

* * *

Оғзи қулоқ қанд ейди,
Оғзи шалоқ панд ейди.

* * *

Оғзига келганни демоқ
Нодоннинг овқатин емоқ.

* * *

Оғиз билан ҳамённи ёпиқ тут.

* * *

Оғиз еса кўз уялар.

* * *

Оғирлик — ҳаё пардаси.

* * *

Оғир тошни сув оқизиб кетмайди.

* * *

Оғримаган бошимга олтин исирға.

* * *

Оғримаган бошимга олтин таёқ.

* * *

Оғриқ қолса ҳам,
Одат қолмайди.

* * *

Оғриғим битта эди,
Чикди чипқон устига.

* * *

Оғир юк бел синдирар.

П

Пайсалга соладиган сахийдан
Тез жавоб берадиган бахил яхши.

* * *

Парво ҳам қилма,
Бепарво ҳам бўлма.

* * *

Паст кўчадан топилган дўстдан
Рост кўчадан топилган душман яхши.

* * *

Пастак тоғда қор бўлмас,
Ароқхўрда ор бўлмас.

* * *

Пахта тўкилса — тош,
Йиғиб олинса — инжу.

* * *

Пиёзнинг пўсти кўп,
Яхшининг дўсти кўп.

* * *

Пиринг кучли бўлгунча,
Билиминг кучли бўлсин.

* * *

Пичоқ билан кесма,
Тирноқ билан кес.

* * *

Пичоқ қанча ўткир бўлса ҳам,
Ўз сопини кесмайди:

* * *

Пичоқни ўзингга ур,
Оғримаса бировга ур.

* * *

Подадан олдин чанг чиқарма.

* * *

Подачи кўп бўлса,
Кўй ҳаром ўлар.

* * *

Подачи қизининг ғайрати
Пода келганда кўзиди.

* * *

Полвон оғиз полвон иш талаб қилар.

* * *

Пора дўзах эшигини очади.

* * *

Пул дарди — кабоб.

* * *

Пул топгунча ҳисоб топ.

* * *

Пули кўпнинг кўзи кўр.

* * *

Пўконидан ел ўтмаганнинг нон ейишини кўр.

* * *

Олтин ўтда,
Одам меҳнатда тобланади.

* * *

Пўлат оловда,
Севги ҳижронда синалади.

Р

Расамадинг ёнингда бўлса,
Отинг йўлда қолмайди.

* * *

Режали иш — ҳамиша беш.

* * *

Режесиз дарахтзор — чангалзор.

* * *

Ромчининг ромидан
Ўзингнинг хом хаёлинг яхши.

* * *

Роҳатини кўрган
Азобига ҳам чидайди.

* * *

Рӯҳи тетикнинг иши тетик.

* * *

Рўзингни сот — рўшнолик ол.

С

Сабр таги сариқ олтин.

* * *

Сабоқ мушкул бўлса,
Уқувчини уйқу босар.

* * *

Сабр — умр хазинаси.

* * *

Савдогарнинг моли бешубҳа бўлса,
Йўл устида ёяди.

* * *

Саволни жавобсиз қолдирма,
Дўстни — эътиборсиз.

* * *

Саёқ юрган таёқ ер.

* * *

Саёҳат — танга роҳат.

* * *

Сайёҳда макр бўлмаса,
Домига ов илинмас.

* * *

Сайр ҳам сайр,
Саргардон ҳам сайр.

* * *

Салқинда ётиб еган ёғли қазидан
Далада терлаб ичган хўрда яхши.

* * *

Сансолар, ман солар,
Отга бедани ким солар.

Санамаган ёлчимас.

* * *

Санамай саккиз дема,
Уйламай — тўққиз.

* * *

Сара бўлу пучак бўлма.

* * *

Саратонда сув совур.

* * *

Сахий булут боққа ёмғир қуюди.

* * *

Сахий йўқ бўлса ҳам тўқ.

* * *

Сақлаган сиринг — асиринг.

* * *

Сақласанг — минг кунлик,
Сақламасанг — бир кунлик.

* * *

Сахий хайр қилса,
Бахилнинг бошига оғриқ туради.

* * *

Саҳрода бўри улиса,
Уйдаги итнинг жони ачийди.

* * *

Саҳрода гул бўлиб очилгандан
Чаманда ўт бўлиб унган яхши.

* * *

Севганинг қошингда бўлса,
Сенга чўл — боғи эрам.

* * *

Севги вафоси билан яхши,
Меҳнат роҳати билан.

* * *

Севги — ҳаёт устуни.

* * *

Севгининг кўзи кўр бўлади.

* * *

Сен бўрини аясанг,
Бўри сени талайди.

* * *

Сен тинч — қўшнинг тинч.

* * *

Сенинг гапинг шўрва,
Менинг қулоғим тўрва.

* * *

Сеники-меники — кўнгил қоралиги.

* * *

Сержанжал уйда барака йўқ.

* * *

Сигир олсанг танлаб ол,
Танлай олмасанг тарғил ол.

* * *

Сигир — рўзгорнинг қассоби билан боққоли.

* * *

Сигир сути елинида.

* * *

Сийлаганда сув ич.

* * *

Сийласанг сирт ялоғи,
Сийламасанг ит ялоғи.

* * *

Синалмаган дўст — цақилмаган ёнғоқ.

* * *

Синамаган отнинг сиртидан ўтма.

* * *

Синган қўл ишлар,
Парчаланган юрак ишламас.

* * *

Синглингни қўлингда тутсанг,
Онангни бошингда тут.

* * *

Синч уйим — тинч уйим.

* * *

Сипоҳи сирини билдирмас.

* * *

Сиртга зийнат кўп ёмон,
Ичга зийнат ош билан нон.

* * *

Сиртинг синса ҳам,
Сирингни ёвга берма.

* * *

Сих ҳам куймасин,
Кабоб ҳам.

* * *

Сичқон сиғмас инига,
Ғалвир боғлар думига.

* * *

Сичқоннинг ўлгиси келса,
Мушук билан ўйнашар.

* * *

Сиҳат тиласанг кўп ема,
Иззат тиласанг кўп дема.

* * *

Соат — уйнинг сўфиси.

* * *

Сой оқизса оқизсин,
Номарднинг кўпригидан ўтма.

* * *

Сой қаёққа оқса,
Тош ҳам ўша ёққа думалайди.

* * *

Софдиллик умрга умр қўшар,
Ростгўйлик севгига севги.

* * *

Сояннга қараб бўй ўлчама.

* * *

Соқолини рўқач қилган қариядан
Меҳнатини аямаган ёш афзал.

* * *

Соғ одамга,
Сукротнинг кераги йўқ.

* * *

Соғлиқда шошилиш йўқ.

* * *

Сув бор жойда ҳаёт бор.

* * *

Сув — зар,
Сувчи — заргар.

* * *

Сув ёғда турмайди,
Қочоқ — элда.

* * *

Сув ичирмасга сут ичир.

* * *

Сув ичсанг ҳам дўстинг билан ич.

* * *

Сув келтирган азиз.

* * *

Сув кечиб юрган чанқаб ўлибди.

* * *

Сув лойқамасдан тинмас.

* * *

Сув одамсиз чиқмайди.

* * *

Сув қадрини қудуқ қазиган билар.

* * *

Сув — ғўзанинг қони,
Меҳнат — жони.

* * *

Сувга солсанг,
Сув кўтармас мисқол темирни.
Олтин билан олиб бўлмас
Қолган кўнгилни.

* * *

Сувнинг онаси булоқ,
Сўзанинг онаси қулоқ.

* * *

Сувни кўрмай этик ечма.

* * *

Сувни лойқалатиб,
Балиқ тутишга уринма.

* * *

Сувсиз ҳаёт бўлмас,
Меҳнатсиз — роҳат.

* * *

Сузағон сигирга шох битмас.

* * *

Суйган ҳам қўшиқчи,
Куйган ҳам қўшиқчи.

* * *

Суйган қўшиқчи бўлар,
Куйган ўланчи бўлар.

* * *

Суйганинг билан бўлсанг,
Ўора уй ҳам олабаргоҳ кўринар.

* * *

Суйдирадиган ҳам тил,
Куйдирадиган ҳам тил.

* * *

Суймаганга суйкалма.

* * *

Суймас ўғил юрт тутар.

* * *

Султон суягини хўрламас.

* * *

Сулув сулув эмас,
Севган — сулув.

* * *

Сулурги — ернинг ҳусни,
Камтарлик — эрнинг ҳусни.

* * *

Сутдан оғзи куйган
Қатиқни ҳам пуфлаб ичибди.

* * *

Суқлик хўрлик келтирар.

* * *

Сўз майдонида шери нор бўлгунча,
Иш майдонида ижодкор бўл.

* * *

Сўз суякдан ўтар,
Таёқ — этдан.

* * *

Сўз — юрак хазинаси.

* * *

Сўз яхши одам тилида кундан ёр,ғ,
Ёмон одам тилида тундан қора.

* * *

Сўзнинг дами қиличдан ўткир.

* * *

Сўзнинг ози яхши,
Машқнинг сози яхши.

* * *

Сўзнинг тўғриси яхши,
Туянинг — бугриси.

* * *

Сўзни ўлчаб,
Кулгини мисқоллаб сот.

* * *

Сўздан сўзнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

* * *

Сўзи совуқнинг ўзи совуқ.

* * *

Сўзингни билиб сўзласанг,
Тилингни дури тўкилмас.

* * *

Сўзангарнинг минг ургани,
Чилангарнинг бир ургани.

* * *

Сўзлаганга қарама,
Сўзлатганга қара.

* * *

Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ,
Сўзладим — бошимга тегди таёқ.

* * *

Сўзлаганинг кумуш бўлса,
Сўзламаганинг олтин.

* * *

Сўзлагувчи нодон бўлса,
Эшитувчи доно бўлсин.

* * *

Сўк ошига сурнай.

* * *

Сўкканим — сўк оши,
Урганим — ун оши.

* * *

Сўраганинг бир юзи қора,
Бермаганинг икки юзи қора.

* * *

Сўфи сўгин ер,
Сўгин еса ҳам йўгон ер.

* * *

Сўқимнинг ўлганини
Туя сўйганда кўрасан.

* * *

Сўқирга қуёшни мақташ беҳуда.

Т

Табассум тошни эритади.

* * *

Табиб табиб эмас,
Бошидан ўтган — табиб.

* * *

Таваккалнинг таги вой.

* * *

Таваккалнинг туби тош,
Бошингни урсанг ёрилади.

* * *

Тадбир билан мушкул осон бўлар.

* * *

Тажриба ишда тўпланади.

* * *

Така гўшти — даво бўлади,
Эчки гўшти — ел.

* * *

Таъмагир — кунда ғамгин.

* * *

Тамизни бетамиздан ўрган.

* * *

Тан оғриси жон сезар.

* * *

Тан пардози олтамишгача,
Ақл пардози ўлгунча.

* * *

Тани соғлиқ — туман бойлик.

* * *

Тана бузоқнинг турқи
Туққанига тамға.

* * *

Танаси бошқа дард билмас,
Уйи бошқа мунг билмас.

* * *

Таом лаззати меҳмон иззати,

* * *

Таом — туз билан,
Туз — ўлчов билан.

* * *

Танқид — келажакнинг меваси.

* * *

Тариқ бошоғининг кам дон бўлгани яхши.

* * *

Тарки одат амри маҳол.

* * *

Тармашган тоғдан ошар.

* * *

Ташландиққа тош тегмас.

* * *

Ташна одамнинг тушига сув кирибди.

* * *

Тақдир нодонга тузоқ.

* * *

Теватга суяк ташлаганингдан кейин ўз ҳолига қўй,
Қандай ғажиса шундай ғажисин.

* * *

Тегирмонга кирсанг гард юқади.

* * *

Тегирмонда туғилган сичқон
Момақалди роқ товушидан қўрқмайди.

* * *

Тегмас қизнинг қалини кўп.

* * *

Тез юрган бот қоқилар.

* * *

Текин бойлик ахтаргунча,
Ўзингга боп ҳунар топ.

* * *

Тек тургунча текин ишла.

* * *

Тек турмаган
Тўқ турар.

* * *

Текин томоқ биқин тешар.

* * *

Текиннинг миннати кўп,
Меҳнатнинг зийнати кўп.

* * *

Текканга тегиб,
Тегмаганга кесак отма.

* * *

Телбанинг териси қалин.

* * *

Темир кўрсанг тегиб ўт,
Уруғ кўрсанг экиб ўт.

* * *

Темирни занг емиради,
Одамни — қайғу.

* * *

Темирни қизиғида ур.

* * *

Темирнинг гурзиси
Юз минг шишани синдирар.

* * *

Тенгини топсанг текин бер.

* * *

Тентак тўрини бермайди.

* * *

Тентакка билим — кўрга чироғ нури.

* * *

Тентакка ер бер,
Қўлига бел бер.

* * *

Тер тўкканга ер тўкади.

* * *

Тер чиқмаса этак тўлмайди.

* * *

Тер чиққандан жон чиқмас.

* * *

Тер тўкиб сочсанг уруғ,
Ер сени қўймас қуруқ.

* * *

Терган термулмас.

* * *

Терак эрма,
Сада эк.

* * *

Теран тикилсанг,
Сутда ҳам қон кўрасан.

* * *

Терим мавсуми — имтиҳон.

* * *

Терлагунча ишласанг,
Тўйиб-тўйиб ошарсан.

* * *

Тетапоя — олтин соя.

* * *

Тешик идиш сувда билинар.

* * *

Тешик тугма ерда қолмас.

* * *

Тешик қулоқ эшитмай қолмас.

* * *

Тикан кирса захри қолар,
Аччиқ гапнинг қаҳри қолар.

* * *

Тиканнинг кўзи бор,
Деворнинг қулоғи.

* * *

Тиканни тикан билан чиқарадилар.

* * *

Тикансиз гул бўлмас,
Машаққатсиз — ҳунар.

* * *

Тикилган қозон қайнамас,
Қайнаса ҳам қуйилмас.

* * *

Тил билан тугилган нарса
Тиш билан ечилмайди.

* * *

Тил бор — бол келтирар,
Тил бор — бало келтирар.

* * *

Тил кетидан от билан ҳам етолмайсан.

* * *

Тил кичик бўлса ҳам
Дунёни бузиб, тузатади.

* * *

Тил — кўнгил тилмочи.

* * *

Тил — юракнинг калити.

* * *

Тил — қиличдан ўткир.

* * *

Тилни билиш — дилни билиш.

* * *

Тилни тийган бой бўлар,
Баҳри-дили чоғ бўлар.

* * *

Тилга зийнат элнинг иши,
Дилга зийнат эрнинг иши.

* * *

Тилга эътибор — элга эътибор.

* * *

Тилдан етган озор
Найза озоридан ёмон.

* * *

Тилдан қоқилгандан кўра,
Оёқдан қоқилган афзал.

* * *

Тилинг келишмаса ҳам
Дилинг келишсин.

* * *

Тилингни тишлаб олсанг,
Тишингни суғуриб олма.

* * *

Тили бўшнинг дили бўш.

* * *

Тили узун — иши хуржун.

* * *

Тилаб олган иззат тошдан қаттиқ.

* * *

Тилингни ботир қилма,
Ўзингни ботир қил.

* * *

Тилагим — икки билагим.

* * *

Тилла тиш деб
Занглаган тақа қўйма.

* * *

Тиниб қолса,
Сув ҳам сасийди.

* * *

Тинмасанг тинарсан,
Роҳат қилиб юрарсан.

* * *

Тинч оқар дарё чуқур бўлади.

* * *

Тинчлик бўлса, эл кўпаяр,
Уруш бўлса сел кўпаяр.

* * *

Тинчлик — роҳат,
Уруш — офат.

* * *

Тирикликнинг кучи — бирликда.

* * *

Тиришиб тоғдан ошдим,
Ёруғликка йўл очдим.

* * *

Тиришганнинг тўқмоғи
Тошга чега қоқар.

* * *

Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ,
Эринчоқнинг боши қонлиқ.

* * *

Тирноғи бұлмаса,
Йұлбарс ҳам ожиз.

* * *

Тишига эмас, ишига боқ.

* * *

Тиғ ярасидан тил яраси ёмон.

* * *

Товуқ гўнг титмаса,
Боши оғриydi.

* * *

Товуқ минг семирсин,
Ахлат титар.

* * *

Товуқнинг тушига дон кирибди.

* * *

Товуқнинг ҳам бир тухуми палағда бўлади.

* * *

Товуқни есанг, бир ейсан,
Тухумини есанг, минг ейсан.

* * *

Тоза қалбда доғ бўлмас.

* * *

Тозалик — соғлиқ гарови.

* * *

Тозинг тулки олмаса,
Чўлда ўл.

* * *

Той минган от ҳам минади.

* * *

Той от бўлса,
От тинар.
Ўғил эр бўлса,
Ота тинар.

* * *

Той от бўлгунча кўп қоқилади.

* * *

Той қоқилмай йўл топмас,
Эр қоқилмай дўст топмас.

* * *

Тойга тўқим урсанг,
Эгари синар.

* * *

Тол эксанг тагини ҳўл қил,
Узум эксанг тагини чўл қил.

* * *

Том босганни бўғот туртмас.

* * *

Том устунсиз бўлмас,
Теша — сопсиз.

* * *

Томчи тошни тешар,
Занг — темирни.

* * *

Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса чўл бўлур.

* * *

Тор жойда ош егандан
Кенг жойда мушт еган яхши.

* * *

Торга тор дунё,
Кенгга кенг дунё.

* * *

Тошнинг кўзига ур,
Тиканни тубидан уз.

* * *

Тотув оилада — тўкин ҳаёт.

* * *

Тош тушган ерига оғир.

* * *

Тошбақадан лочин чиқмайди.

* * *

Тошқинни денгиз деб ўйлама.

* * *

Тоғ боши тумансиз бўлмас,
Эр боши — хаёлсиз.

* * *

Тоғ бошида қор бўлар,
Эр кишида ор бўлар.

* * *

Тоғ бўрисиз бўлмас,
Тўқай арслонсиз.

* * *

Тоғ деб сояга салом берма.

* * *

Тоғ йиқитай десанг,
Тоғдан кучли юрагинг бўлсин.

* * *

Тоғ такаси тек турмас.

* * *

Тоғ тоққа қовушмайди,
Одам одамга қовушади.

* * *

Тоғ ҳавоси — дард давоси.

* * *

Тоғнинг кўрки тош билан,
Одам кўрки бош билан.

* * *

Тоққа чиқса йиқилмаган
Ерда юрса қоқилмайди.

* * *

Тоғда юрган кийикнинг
Кўзидан бўлак айби йўқ.

* * *

Тоғига қараб қулони,
Сувиға қараб илони.

* * *

Тоғдан орқаси бўлганнинг
Тошдан юраги бўлади.

* * *

Туз сепсанг,
Турп ҳам ширин бўлади.

* * *

Тузоқдан бир марта қўрққан қуш
Қирқ йилгача айри ёғочга қўнмайди.

* * *

Тулки билан уришмоқчи бўлсанг,
Арслонга тайёргарлик кўр.

* * *

Тулки сарқитини шер емас.

* * *

Тулки тумшуғидан илинар.

* * *

Тулки ўз инидан нолиса,
Номусга қолади.

* * *

Тулки ўз соясидан қўрқар.

* * *

Тулки ўз уясиға қараб хурса,
Қўтир бўлади.

* * *

Тулки-қарсоқнинг ини бир,
Ғар-ўғрининг тили бир.

* * *

Тулкининг касби туллаклик.

* * *

Тулкининг тавбасидан қўрқ,
Муғомбирнинг йиғисидан.

* * *

Туллак тилидан илинар.

* * *

Туллак чумчуқни тузоққа тушириш қийин.

* * *

Тунсиэ кун йўқ,
Доғсиэ — лола.

* * *

Тупинг битта бўлса ҳам,
Шохинг мингта бўлсин.

* * *

Туриб еганга турим тоғ чидамайди.

* * *

Турнадан қоровул қўйсанг,
Бошингдан қий-чув аримас.

* * *

Турсак — бир тепа,
Улсак — бир гўр.

* * *

Туртинмаган туёқ йўқ,
Илинмаган ияк йўқ.

* * *

Туси яхшидан туйилма.

* * *

Тутуннинг аччигини мўри билади.

* * *

Тухуми катталашган товуқ
Думини тутқизмайди.

* * *

Тухумини е,
Товуғини суруштира.

* * *

Туя кўрдингми — йўқ,
Бия кўрдингми — йўқ.

* * *

Туя минг танга,
Мана минг танга,
Туя бир танга,
Қани бир танга.

* * *

Туя минган одам
Қўй орасига яширинмайди.

* * *

Туя силкинса,
Бир эшакнинг юки тўқилади.

* * *

Туя чўкса жой топар.

* * *

Туя элакка қолганда оқсар.

* * *

Туя янтоқ еса ҳам,
Кўп юк кўтарар.

* * *

Туянинг бўйни қийшиқ,
Разилнинг фикри бузук.

* * *

Туянинг каттаси кўприкда калтак ейди.

* * *

Туянинг танигани шўра.

* * *

Туянинг ташигани тилла,
Егани янтоқ.

* * *

Туянинг ҳазили бир тахта ғўзани епти.

* * *

Туяни миниб, олисни кўзла.

* * *

Туяни шамол учирса,
Эчкини осмонда кўр.

* * *

Туядай бўй берибди-ю,
Тугмадай ўй бермабди.

* * *

Туядек шаклдан тугмадек ақл яхши.

* * *

Туясидан қўнғироғи қиммат.

* * *

Тушга нима кирмайди,
Душман нима демайди.

* * *

Тушлик умринг бўлса,
Чошкалик ҳаракат қил.

* * *

Туғилмаган боланинг тишини санама.

* * *

Туғилмаган бузоққа охур солма.

* * *

Туғилмаган Тиловга тилла бешик.

* * *

Туғишганлар топишар,
Ётга бало ёпишар.

* * *

Тўдадан ажралган тўрга тушар,
Ўз оёғи билан гўрга тушар.

* * *

Тўйдан кейин ноғора.

* * *

Тўйга борсанг тўйиб бор,
Янги тўнингни кийиб бор.

* * *

Тўйликнинг тўйи ўтар,
Тўйсизнинг — куни.

* * *

Тўкилган гуручни териб оларсан,
Айтган сўзингни қайтара олмассан.

* * *

Тўкилган қайта тўлмайди.

* * *

Тўкилгандан томчилаган ёмон.

* * *

Тўнинг ямоқ бўлса ҳам,
Дилинг ямоқ бўлмасин.

* * *

Тўнғиз думалаган жойда тук қолар.

* * *

Тўнғичники ташвиш,
Кенжаники ҳашам.

* * *

Тўрт оёқли от ҳам қоқилади.

Тўрғай қутурса булутга чопар.

* * *

Тўяр ошни кўз танийди,
Ошнани кўнгил танийди.

* * *

Тўқ қоринга сариёғ ёқмапти.

* * *

Тўқнинг қайғуси йўқ,
Очнинг — уйқуси.

* * *

Тўқликка — шўхлик.

* * *

Тўқликда очликни эсла,
Бойиганда муҳтожликни.

* * *

Тўқай шерини мингини енг,
Нафс итини бирини енг.

* * *

Тўқай тўнғизсиз бўлмас.

* * *

Тўқайдаги дўнгликни ҳар ким босиб ўтар.

* * *

Тўққиз тўлғоқ бирга келибди.

* * *

Тўғри кетаётган карвонни ортга бурсанг,
Маймоқ туя олдинга ўтиб қолади.

* * *

Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор.

* * *

Тўғри сўз туриб келар,
Эгри сўз — туртиб.

* * *

Тўғри сўз туққаниннга ёқмас.

* * *

Тўғри сўзга тўғаноқ.

* * *

Тўғри тил тош ёрар,
Эгри тил бош ёрар.

* * *

Тўғри юрдим — етдим муродга,
Эгри юрдим — қолдим уятга.

* * *

Тўғри — ўзар,
Эгри — тўзар.

* * *

Тўғри ўсган гул бўлар,
Эгри ўсган кул бўлар.

У

Узоқнинг узунидан
Яқиннинг калтаси яхши.

* * *

Узоққа қўйсанг,
Яқиндан оласан.

* * *

Узоқдаги келгунча
Яқиндаги ярайди.

* * *

Узоқдаги қуйруқдан
Яқиндаги ўпка яхши.

* * *

Узумини е,
Боғини суриштира.

* * *

Узун кессанг узумини ейсан.

* * *

Узун тил — бошга тўқмоқ,
Бўйинга сиртмоқ.

* * *

Уй сири — ёпиғлик қозон.

* * *

Уй эгаси билан азиз.

* * *

Уй ўзимники деб гапираверма,
Деворнинг нарёғида киши бор.

* * *

Уйни бекаси безайди.

* * *

Уйда аёлинг бўлмаса,
Ҳузур-ҳаловат қайда.

* * *

Уйда бир кафт уни йўқ,
Том бошида кўш тандир.

* * *

Уйда угра кесмаган
Кўчада тутмоч кесар.

* * *

Уйда қолса — ачир ошим,
Қўшнига берсам — эсиз ошим.

* * *

Уйдаги гап кўчага тўғри келмас.

* * *

Уйдагилар кулганда,
Айвондагилар илжаяр.

* * *

Уйида бир чақаси йўқ,
Белида бир даста калит.

* * *

Уйида тинчи йўқнинг
Гўрида қулоғи тинмас.

* * *

Уйида ҳаловати йўқнинг
Кўчада фароғати йўқ.

* * *

Уйимда йўқ хўжалик,
Кўнглим тусар кўчалик.

* * *

Уйинг тор бўлса ҳам,
Кўнглинг кенг бўлсин.

* * *

Уйингга меҳмон келганда,
Капгиригини тақиллатма.

* * *

Улиги йўқ тўйлигидан ажралар.

* * *

Уйқу жой танламас,
Муҳаббат — чирой.

* * *

Уйқунинг кўпи ҳам чакса, ози ҳам.

* * *

Улуғларнинг назари тошни ҳам кимё қилур.

* * *

Умид қилган етар муродга,
Ҳасад қилган қолар уятга.

* * *

Умиди йўқ — имони йўқ.

* * *

Умр йўлдошингни маҳрига боқма,
Меҳрига боқ.

* * *

Унумли меҳнат келтирар давлат.

* * *

Урвоғига чидаган юпқа қилади.

* * *

Ургандан туртган ёмон.

* * *

Уришни билсанг,
Игна ҳам яроқ.

* * *

Урсанг — эти қотар,
Гапирсанг — бети қотар.

* * *

Уруш — қуён ови эмас.

* * *

Уруғида бўлса,
Урвоғига татийди.

* * *

Урғочи туя инграса,
Эркак туя бўзлайди.

* * *

Устим бутун,
Ичим тутун.

* * *

Уста кўрмаган шогирд
Ҳар мақомга йўрғалар.

* * *

Устун қуласа,
Устунга зўр келар.

* * *

Учқундан қўрққан темирчи бўлмас.

* * *

Учқур отнинг орқасини яғир қилма.

* * *

Уят ўлимдан қаттиқ.

Ф

Фарзанд — жонга пайванд.

* * *

Фарзанд — ҳаёт гули.

* * *

Фақир киши панада,
Қўтир эчки далада.

* * *

Фил учмайди,
Мулла учиради.

* * *

Филнинг яраси филча бўлади.

* * *

Филбонга ошна бўлсанг,
Дарвозангни катта қил.

* * *

Фойдасиз маслаҳат
Эчкининг қулоғига дўмбира чертгандек гап.

* * *

Фойдасиз сўзни айтма,
Фойдалидан қайтма.

X

Хазина ғойибдан эмас,
Меҳнатдан.

* * *

Ҳайт деган туяга мадад.

* * *

Хайр ишга истиҳола ҳожат эмас.

* * *

Хайр ишга жарчи бўлсанг,
Мағрур бўлма.

* * *

Хайрли ишнинг хайрихоҳлари кўп бўлади.

* * *

Халқ бирлиги — эл тинчлиги.

* * *

Халқ иши — ҳақ иш.

* * *

Халқ пуфласа бўрон бўлар,
Тепинса — zilзила.

* * *

Хамир қилмасдан бурун
Тандирга, ўт ёқма.

* * *

Хаттот қалам танламас.

* * *

Хашаки деб хашакка боғлаб қўйма.

* * *

Хирмон янчиш саъванинг иши эмас.

* * *

Хоин қони челақка томар,
Ботир қони юракка.

* * *

Холис гап ҳаммага ёқар.

* * *

Хом терини ийласанг ултон бўлур,
Нафсини тийган киши султон бўлур.

* * *

Хотин — ер,
Эркак — деҳқон.

* * *

Хотин киши кўп бўлса,
Чўмични ит олиб кетар.

* * *

Хотин қизғанса уй тузалар,
Эркак қизғанса уй бузилар.

* * *

Хотиннинг гўллиги — пешонасининг шўрлиги.

* * *

Хуфя гапдан ошкора шапалоқ яхши.

* * *

Хушомадгўйнинг саломи таъмасиз бўлмас.

* * *

Хўроз маст бўлса,
Қирғийни унутади.

* * *

Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отади.

* * *

Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради.

Ҷ

Ҷаманга кирган киши
Ўзи ёқтирган гулни узади.

* * *

Ҷағалайнинг тириклиги балиқ билан

* * *

Ҷанқаган кишига сароб
Сув бўлиб кўринар.

* * *

Ҷақимчи бир гувала,
Ерга қўйиб увала.

* * *

Ҷақимчи — нушхўрд киши.

* * *

Чақимчи тухум пўчоқ,
Унинг жойи пақир ўчоқ.

* * *

Чақимчи чипор илон,
Заҳри илондан ёмон.

* * *

Чақимчининг афти чориқ.

* * *

Чақимчининг жойи жаҳаннам.

* * *

Чекиннга тушганга чекчайма.

* * *

Чена,
Кетингга қараб эна.

* * *

Чивин кўплашса,
Филни йиқитади.

* * *

Чигал учи топилар,
Муддаолар очилар.

* * *

Чидамаган чийиллайди.

* * *

Чиён муддаоси ниш уришдир.

* * *

Чиённинг захри ёмон,
Савдогарнинг нафси ёмон.

* * *

Чилла суви — тилла суви.

* * *

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради.

* * *

Чин дўст туғишганингдан аъло.

* * *

Чин кўнгилдан йиғласа,
Сўқир кўздан ёш чиқар.

* * *

Чиниққанга чанг юқмас.

* * *

Чинни ёлғонга чулғама,
Дурни лойга булғама.

* * *

Чинордек бўйинг бўлгунча,
Тумордек ақлинг бўлсин.

* * *

Чириган сомонни шопирма.

* * *

Чиройли тўнингни ўзинг кий,
Ширин таомингни эса бошқаларга тут.

* * *

Чирок кўтарган орқада юрмайди.

* * *

Чиққан қиз чийриқдан нари.

* * *

Чиябўри қўшнисини емайди.

* * *

Чолни кўриб бувам дема.

* * *

Чопиб борган ерга
Секин ҳам етиб борасан.

* * *

Чопмасанг ҳам от яхши,
Қучмасанг ҳам қиз яхши.

* * *

Чопқир тозини тулки севмайди.

* * *

Чумоли бирлашса,
Чиённи йиқар.

* * *

Чумолининг омади келса,
Филга бошлиқ бўлади.

* * *

Чумчуқ сўйса ҳам
Қассоб сўйсин.

* * *

Чумчуқдан қўрққан тариқ эмас.

* * *

Чучварани хом санама.

* * *

Чўкаётган чўпга ёпишар.

* * *

Чўл янтоқсиз бўлмас,
Боғ — райҳонсиз.

* * *

Чўлда — мард ўлади,
Йўлда — номард.

* * *

Чўмич сувда чўкмайди.

* * *

Чўп ушлаб,
Таёқ деб ўқталма.

* * *

Чўпни кўрсанг холи кўрма.

* * *

Чўпни хор қилсанг,
Кўзингга тушади.

* * *

Чўпон етти ўлкани кезар.

* * *

Чўпони кўп чорвада
Қўй ҳаром ўлар.

Ш

Шайтон ўтдан,
Уқ ботирдан кўрқади.

* * *

Шакарнинг ози ширин.

* * *

Шаллақидан писмиқ ёмон.

* * *

Шалтоқ хотин уй чангитар.

* * *

Шамол бўлмаса,
Дарахтнинг боши қимирламайди.

* * *

Шариатда шарм йўқ,
Шариатнинг йўли кўп.

* * *

Шароб бўлишдан олдин сирка бўлма.

* * *

Шер йигитни номус ўлдирар.

* * *

Шернинг эркаги ҳам шер,
Урғочиси ҳам шер.

* * *

Шеригинг олақарға бұлса,
Емишинг гўнг.

* * *

Шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлади.

* * *

Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши.

* * *

Ширин сўз киши
Душманни ҳам дўст қила олади.

* * *

Ширин сўз ҳаммага ёқар,
Тўнг сўз кимга ёқар.

* * *

Ширин сўз шакардан ширин.

* * *

Ширин сўзим — ризқи рўзим.

* * *

Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт.

* * *

Шоир — сўзнинг деҳқони,
Ҳикмет — хирмони.

* * *

Шохига урсанг,
Туёғи зирқирайди.

* * *

Шошган қиз эрга ёлчимас.

* * *

Шошган яёв юрар.

* * *

Шошган шайтоннинг иши.

* * *

Шошилган ишнинг пушаймони кўп бўлади.

* * *

Шошган шамол билан тенг.

* * *

Шўр ерда — хашак,
Чаманда гул кўкаради.

* * *

Шўр тўнгмас,
Аҳмоқ ўнгмас.

* * *

Шўр ювмабсан — иш қилмабсан.

* * *

Шўх отга пўлат жилов.

Э

Эпи билан сўзлаганнинг қурбони бўл,

* * *

Эпини топган — икки ошар.

* * *

Эгар — жабдуқ урган билан
Эшак асло от бўлмайди.

* * *

Эгасини сийлаган кучугига суяк ташлар.

* * *

Эгилган бошни қилич кесмас.

* * *

Эгилган дарахтга суюнсанг агар,
У дарахт сени ҳам ўзидек эгар.

* * *

Эгилмас дарахтни эгишга ҳаракат қилма.

* * *

Эгри битганни эл тўғрилайди.

* * *

Эгри калтақдан тўғри соя тушмайди.

* * *

Эгри кишининг сояси ҳам эгри.

* * *

Эгри мўридан эгри тутун.

* * *

Эгри озади,
Тўғри ўзади.

* * *

Эгри ўтирсанг ҳам,
Тўғри гапир.

* * *

Эгри қозикқа эгри тўқмоқ.

* * *

Эзгуликнинг кечи йўқ.

* * *

Экилмаган теракка
Келмаган лайлак уя солипти.

* * *

Экин экар ҳар киши,
Сув келтирар мард киши.

* * *

Экинни эркаласанг эрта пишар.

* * *

Эккан хирмон қилар,
Экмаган армон қилар.

* * *

Экканингни ўрасан.

* * *

Эл бошига тушгани —
Эр бошига тушгани.

* * *

Эл ер билан, ер эл билан,
Ерсиз эл дайди ел билан.

* * *

Эл омонлиги — юрт ободонлиги,
Эл ёмонлиги — юрт хароблиги.

* * *

Эл тупурса қўл бўлар.

* * *

Эл севганни ёр севар.

* * *

Эл сенга қўл чўзса,
Сен унга содиқ бўл.

* * *

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.

* * *

Эл соғлиги — юрт бойлиги.

* * *

Эл яхшиликни унутмас.

* * *

Элнинг бахти — сенинг бахтинг.

* * *

Элнинг кўрки эр билан,
Эрнинг кўрки тер билан.

* * *

Элга кирсанг — элингча,
Сувга тушсанг — белингча.

* * *

Элга қилсанг хизмат,
Ундан кўрасан роҳат.

* * *

Элга қўшилган оройиш топади.

* * *

Элга кўшилсанг эл бўласан,
Элдан ажралсанг ер бўласан.

* * *

Элга эл кўшилса — давлат,
Элдан эл кетса — меҳнат¹.

* * *

Элда юрган эл танир,
Қирда юрган ер танир.

* * *

Элдаги гап — дилдаги гап.

* * *

Элдан томгани — ёмғир ёққани.

* * *

Элу юртинг омон бўлса,
Рангу рўйинг сомон бўлмас.

* * *

Эллик йилда эл ўзгарар.

* * *

Энага кўп бўлса,
Бола кўр бўлади.

* * *

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади.

¹ Оғир кун, машаққат.

* * *

Эплик эгизини еса,
Сеплик семизини ебди.

* * *

Эр бор ерда
Эл хор бўлмас.

* * *

Эр бўйнида қил арқон чиримас.

* * *

Эр бўл, эр бўл,
Эр бўлмасанг, ер бўл.

* * *

Эр деганнинг кўнгли
Ўсган ерда шердир.

* * *

Эр ер сотмайди,
Ер сотган эр бўлмайди.

* * *

Эр йигит ўзи учун туғилар,
Эли учун ўлар.

* * *

Эр йигит — эл ғамида.

* * *

Эр йигитга икки номус бир ўлим.

* * *

Эр йигитга мол чикора.

* * *

Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.

* * *

Эр озиғи билан бўри озиғи йўлда.

* * *

Эр сийлаган ерда азиз.

* * *

Эр суринмай эл танимас.

* * *

Эр сўзи — бир.

* * *

Эр эл билан бахтиёр.

* * *

Эр қарийди,
Эл қаримайди.

* * *

Эрнинг отини ё оти чиқаради,
Ё хотини.

* * *

Эрга навбат — шерга навбат.

* * *

Эрга қарадим — ерга қарадим.

* * *

Эр-хотиннинг уруши — доқа рўмолнинг қуриши.

* * *

Эримникини ўйнай-ўйнай ейман,
Уғлимникини ўйлай-уйлай ейман.

* * *

Эринчоқлик — умрнинг заволи.

* * *

Эр-хотиннинг ўртасига
Эси кетган тушади.

* * *

Эрк — дунёнинг юраги.

* * *

Эркада вафо бўлса,
Хотинда жафо бўлмас.

* * *

Эркалатса онаси,
Талтаяди боласи.

* * *

Эрта турган йигитнинг
Бир ризқи ортиқ.

* * *

Эрталабки иш — кўнгилни қилар хуш.

* * *

Эси пастнинг иши паст.

* * *

Эси паст уятни билмас.

* * *

Эсинг борида этагингни ёп.

* * *

Эски пахта бўз бўлмас,
Асли душман дўст бўлмас.

* * *

Эскини эплагунча эсинг кетади.

* * *

Этни тирноқдан ажратиб бўлмас.

* * *

Этакни кессанг енг бўлмас,
Халқдан қочган эл бўлмас..

* * *

Эчкининг ажали етса,
Қассобни сузади.

* * *

Эчкининг орқаси қичиса,
Чўпоннинг нонини ейди.

* * *

Эшак минганнинг оёғи тинмас,
Қўш хотинлининг қулоғи.

* * *

Эшак миниб туёғини кўзлагунча,
Туя миниб узоқни кўзла.

* * *

Эшак семирса эгасини тепар.

* * *

Эшакнинг айби учун
Эгарни жазолайдилар.

* * *

Эшакнинг юки енгил бўлса,
Ётагон бўлади.

* * *

Эшакка шўра бўлмаса,
Ётиб олади.

* * *

Эшаги бир танга,
Тўқими минг танга.

* * *

Эшагидан тушови қиммат.

* * *

Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб кир.

* * *

Эшикдан келин келди,
Тешикдан — давлат.

Ю

Ювош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади.

* * *

Юган сўлиқли бўлса,
От саркашлик қилолмайди.

* * *

Юз амри ширин.

* * *

Юз йил ибодат қилгандан кўра,
Бир соат фикр юритган афзал.

* * *

Юз номарддан юз қайтар,
Бир мардни ҳар ким мақтар.

* * *

Юз — офтобдан иссиқ.

* * *

Юз-юзга тушар,
Уят — ичга.

* * *

Юзга айтганнинг заҳри йўқ.

* * *

Юзим оқ бўлсин десанг,
Ишингни тўғри қил.

* * *

Юзта хап-хапдан
Битта чап-чап яхши.

* * *

Юк кўтарган юзага чиқар.

* * *

Юлғич юлиб тўймайди,
Қирғич қириб қўймайди.

* * *

Юмруқ букилиб санг¹ бўлмас,
Эчки югуриб ланг бўлмас.

¹ Тош.

* * *

Юрган — даря,
Утирган — буйра.

* * *

Юрган оёққа йўрғам йўлиқар.

* * *

Юрганнинг йўли кўпаяди,
Утирганнинг — ўйи.

* * *

Юришга йўл яхши.

* * *

Юрак ботирда ҳам бир бўлак,
Қўрқоқда ҳам.

* * *

Юрак иши — кўнгил иши.

* * *

Юракда бўлса,
Билакда кўринар.

* * *

Юрсанг — топилур,
Айбинг ёпилур.

* * *

Юрт қўрисанг ўсарсан,
Қўримасанг тўзарсан.

* * *

Юрти бойнинг — ўзи бой.

* * *

Юртни обод қиламан деган
Ўзи обод бўлади.

* * *

Ютуқнинг калити — меҳнат.

Я

Яланғоч сувдан тоймас,

* * *

Ялтираган ҳар бир нарса
Олтин бўлавермайди.

* * *

Ялқов билан анқов
Душманга катта ов.

* * *

Ялқов элга ор келтирар.

* * *

Ялқовнинг ғайрати байрамда кўзир.

* * *

Ялқовга булут сояси ҳам юк бўлади.

* * *

Ялқовга иш буюрсанг,
Отангдан кўп насиҳат қилади.

* * *

Ялқовга эшик остонаси ҳам
Тоғ тепасидек кўринади.

* * *

Ялқовликнинг охири хўрлик.

* * *

Ямоқчининг чориғи йиртиқ.

* * *

Янгамнинг шўрвасини ширин қилган
Поччамнинг масаллиғи.

* * *

Янги дўстнинг ўн биридан
Эски дўстнинг бири яхши.

* * *

Янги либос — оройиш,
Яхши йўлдош — осойиш.

* * *

Янгини эски сақлар.

* * *

Янтоқ ўзини боғ айлар,
Тентак ўзини чоғ айлар.

* * *

Янтоқнинг ёғи йўқ,
Душманнинг соғи йўқ.

* * *

Япроқсиз гул бўлмас,
Севгисиз — йигит.

* * *

Яранинг олдини олиш —
Ажалнинг олдини олиш.

* * *

Ярим нон — роҳати жон,
Бутун нон — балойи жон.

* * *

Яхши ақл сездиради,
Ёмон ақл бездиради.

* * *

Яхши билан ўтирсанг,
Ётарсан муродга,
Ёмон билан ўтирсанг,
Қоларсан уятга.

* * *

Яхши билсанг ишингни,
Яхши силар бошингни.

* * *

Яхши бузоқ икки онани эмар.

* * *

Яхши ошини ер,
Ёмон — бошини.

* * *

Яхши гап — дил давоси.

* * *

Яхши гап яхши қилар,
Ёмон гап ваҳший қилар.

* * *

Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади,
Ёмон гап ҳам.

* * *

Яхши гапга ёр бўлмагин,
Тўғри гапдан ор қилмагин.

* * *

Яхши гапга илон инидан чиқар,
Ёмон гапга пичоқ қинидан.

* * *

Яхши дўст юз қариндошдан афзал.

* * *

Яхши дўстан ажраш —
Икки кўздан ажраш.

* * *

Яхши-ёмоннинг фарқига бормаган
Арзон-қимматнинг нархини билмайди.

* * *

Яхши ёрга — элчи,
Яхши отга қамчи керак эмас.

* * *

Яхши ёрни ёмон кунда сина.

* * *

Яхши — иззат қилинар,
Ёмон — изза.

* * *

Яхши ит ўз ўлигини кўрсатмайди.

* * *

Яхши ишга белим боғлиқ,

* * *

Яхши йигит — эл оғаси.

* * *

Яхши одам юрт тузар,
Ёмон одам юрт бузар.

* * *

Яхши йўлбарс йўлда ётмас.

* * *

Яхши ният — ярим давлат.

* * *

Яхши куй — дил булбули.

* * *

Яхши отга бир қамчи,
Ёмон отга минг қамчи.

* * *

Яхши молнинг харидори кўп.

* * *

Яхши муомалага туя ҳам чўқади.

* * *

Яхши от кейин чопар.

* * *

Яхши режа — иш йўриғи.

* * *

Яхши сўз ерда қолмаё,

* * *

Яхши сўз — жон озиғи,
Ёмон сўз — бош қозиғи.

* * *

Яхши сўз — муҳтасар,
Чин сўз — мўътабар.

* * *

Яхши сўзинг эсимга тушса,
Бўйнингни қучгим келур.
Ёмон сўзинг эсимга тушса,
Гўрингни бузгим келур.

* * *

Яхши-ёмон сўзнинг боши — тил.

* * *

Яхши фазилатинг — зебу зийнатинг.

* * *

Яхши фарзанд — эл ғурури.

* * *

Яхши хотин белгиси хиром қилар терини.
Ёмон хотин белгиси ерга букар эрини.

* * *

Яхши хотин уй бўстони,
Ёмон хотин — зимистони.

* * *

Яхши хотин — умр боли,
Ёмон хотин — жон заволи.

* * *

Яхши хотин эрни эр қилади,
Ёмон хотин қаро ер қилади.

* * *

Яхши — хунук либос билан ҳам яхши.

* * *

Яхши юрган ерига
Тинчлик солар элига,
Ёмон юрган ерига
Ўт қўяди элига.

* * *

Яхши яхшига ёндоштирар,
Ёмон йўлдан адаштирар.

* * *

Яхши қизга эш бўлганинг,
Кундан-кунга ёш бўлганинг.

* * *

Яхши — қанд едирар,
Ёмон — панд едирар.

* * *

Яхши қиз аҳмоқ қўш ўғилдан афзал.

* * *

Яхши қиз ёқадаги кундуз,
Ёмон йигит кўкдаги юлдуз.

* * *

Яхши қўшни — ота-она.

* * *

Яхши қўшнингдан сўрагунча,
Ёмон уйингни қидир.

* * *

Яхши ҳордиқ танга озиқ.

* * *

Яхшининг боши оғримас,
Оғриса ҳам ҳоримас.

* * *

Яхшининг гапи мой,
Ёмоннинг гапи лой.

* * *

Яхшининг ёмондан ортиғи — ори.

* * *

Яхшининг иши — сано,
Ёмоннинг иши — ғавғо.

* * *

Яхшининг суҳбати қаймоқ,
Ёмоннинг суҳбати қармоқ.

* * *

Яхшининг сўзи қаймоқ,
Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ.

* * *

Яхшининг шарофати тегар,
Ёмоннинг — касофати.

* * *

Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринар.

* * *

Яхшининг яхшига ҳиммати ортар,
Ёмоннинг яхшига иллоти ортар.

* * *

Яхшини ёмон кунда сина.

* * *

Яхшини кўриб фикр қил,
Ёмонни кўриб шукр қил.

* * *

Яхшининг қалби — қуёш,
Ёмоннинг бағри — тош.

* * *

Яхшини мақтасанг ярашади,
Ёмонни мақтаган адашади.

* * *

Яхшини сўксанг,
Суягидан ўтар.
Ёмонни урсанг,
Терисидан ўтар.

* * *

Яхшига гап гапирсанг нинадек бўлар,
Ёмонга гап гапирсанг туядек бўлар.

* * *

Яхшига ёндош,
Ёмондан қоч.

* * *

Яхшига — ёғдек,
Ёмонга — доғдек.

* * *

Яхшига — мадад,
Ёмонга — ўлим.

* * *

Яхшида гина бўлмас,
Ёмондан гина кетмас.

* * *

Яхшида яроқ йўқ.

* * *

Яхшидан адашма,
Ёмонга ёндашма.

* * *

Яхшидан — вафо,
Ёмондан — жафо.

* * *

Яхшидан ёмон чиқди деб куйинма,
Ёмондан яхши чиқди деб суйинма.

* * *

Яхшидан от қолади,
Ёмондан — дод.

* * *

Яхшиларга ёнаштир,
Ёмонлардан адаштир

* * *

Яхшилик ерда қолмас.

* * *

Яхшилик кўзга кўринмас,
Ёмонлик кўмиб қўйилмас.

* * *

Яхшилик нур келтирар,
Ёмонлик — зулмат.

* * *

Яхшилик — тўй,
Ёмонлик — ўлим.

* * *

Яхшилик эккан эсонлик ўради,
Ёмонлик эккан жабру заҳмат.

* * *

Яхшилик қил — мақтанма.

* * *

Яхшиликнинг — хайри,
Ёмонликнинг жазоси бўлади.

* * *

Яхшиликдан кўра ёмонликнинг оёғи илдам.

* * *

Яқиндаги овни кўрмай,
Узоқдаги ёвни кўради.

* * *

Яқиндаги тишлашар,
Узоқдаги кишнашар.

* * *

Яқиндагини бўри емайди.

Ужар ўзидан топади.

* * *

Ўз жойида лайча ҳам шер.

* * *

Ўз отига минмаган
Узоққа боролмайди.

* * *

Ўз уйим — ўлан тўшагим.

* * *

Ўзгада нуқсон кўрсанг,
Ўзингни бенуқсон дема.

* * *

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ,
Хирмонда ҳозир.

* * *

Ўзинг пиширган ошни
Айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам.

* * *

Ўзинг яхши — ўзга яхши.

* * *

Ўзинг ўрганмасанг биров ўргатмайди.

* * *

Ўзинг ўстирган дарахтнинг меваси ширин бўлади.

* * *

Ўзингга боқ, ўзинг ким-чи,
Утир, ёнингни чимчи.

* * *

Ўзингга лойиқ кўрмагани
Ўзгага раво кўрма.

* * *

Ўзингга эҳтиёт бўл,
Кўшнингни ўғри тутма.

* * *

Ўзингга ўзингни мақтагандан кўрқ.

* * *

Ўзингга раво кўрмасанг,
Бировга озор берма.

* * *

Ўзингда бўлса — яларсан,
Оғангда бўлса — тиларсан.

* * *

Ўзингда йўқ — оламда йўқ.

* * *

Ўзингдан чиққан тепа баланд бўлсин.

* * *

Ўзингники ўзагингни кесар.

* * *

Ўзингники ўлдирмас,
Ёт ярлақамас.

* * *

Ўзингникини ёмонласанг,
Бегонанинг кўнгли совийди.

* * *

Ўзингникини ёмонласанг,
Ўзганинг меҳри кўтарилар.

* * *

Ўзи бозорга сиғмаган туя
Қўшани билан кирибди.

* * *

Ўзи йиқилган йиғламас.

* * *

Ўзи йўқнинг кўзи йўқ.

* * *

Ўзи йўқдек,
Товуши ўқдек.

* * *

Ўзи келган меҳмон мезбоннинг иззати.

* * *

Ўзи отли — сўзи тотли.

* * *

Ўзи тўймаганнинг сарқити
Юрак оғриғи қилади.

* * *

Ўзи тўймаснинг кўзи тўймас.

* * *

Ўзи юзсизнинг сўзи тузсиз.

* * *

Ўзи ҳеч қўл тегизмас,
Чумчуққа ҳам егизмас.

* * *

Ўзини мақтаган — аҳмоқ.

* * *

Ўзини мақтаган — ўлимнинг қоровули.

* * *

Ўзига зеб берган
Ўйига зеб бермас.

* * *

Ўзинг осмонда бўлсанг ҳам,
Оёғинг ерда бўлсин.

* * *

Ўзингни эр билсанг,
Ўзгани шер бил.

* * *

Ўзганинг отидан
Ўзингни эшагинг яхши.

* * *

Ўзолмаган отга узанги баҳона.

* * *

Ўйлаб-ўйлаб марза олсанг,
Ўйнаб-ўйнаб суғорасан.

* * *

Уйлаб қилинган иш — битар,
Уйламай қилинган иш — йитар,

* * *

Уйламай қилинган иш
Бошга келтирар ташвиш.

* * *

Уйнаб гапирсанг ҳам,
Уйлаб гапир.

* * *

Уйчи ўйлагунча,
Таваккалчи ишини битказар.

* * *

(Уйчининг ўйи битгунча
Таваккалчининг тўйи битар).

* * *

Улган сигир сутли бўлади.
↳

* * *

Улдирилган йиртқичга қарама,
Улдирилиши керак бўлган йиртқичга қара.

* * *

Улиб егунча бўлиб егин.

* * *

Қуш қаноти билан тирик.

* * *

Улиб ўлмаган — мард киши,
Улимдан қўрққан — номарднинг иши.

* * *

Улик бўлиб гўрда йўқ
Тирик бўлиб сонда йўқ.

* * *

Улик бўрини ит тишламас.

* * *

Улимдан қўрққан умр кўрмас.

* * *

Ун марта шап-шап дегандан
Бир марта шафтоли деган яхши.

* * *

Унг қўлим, сўл қўлим,
Бари ўз қўлим.

* * *

Унқир эди-чўнқир эди, уйим эди,
Айиқ эди-сайиқ эди, эрим эди.

* * *

Урада ётсанг ҳам фарзанд кўр.

* * *

Урганган кўнгил ўртанса қўймас.

* * *

Ургимчак уясига кираётган пашша
Ундан чиқишини ҳам ўйлаши керак.

* * *

Ургимчак ҳам ўз уйим дейди.

* * *

Урдак берсанг,
Фоз оласан.

* * *

Уринсиз кулги барчага кулки.

* * *

Уринсиз ғазаб — ўзингга азоб.

* * *

Ўринсиз ҳақорат
Соқовни бурро қилади.

* * *

Усал бўлганинг —
Ярим ўлганинг.

* * *

Усма кетар, қош қолар,
Сурма кетар, кўз қолар.

* * *

Ўт билан ўйнаган — ёнар.

* * *

Ўт деган билан оғиз куймас.

* * *

Ўт куйдирар
Ер тўйдирар.

* * *

Ўт кўрган лой увоқланмас.

* * *

Ўтни ёш билан ўчириб бўлмас.

* * *

Ўт доғини
Куйган киши билади.

* * *

Ўтнинг — куюги,
Сувнинг — тиниғи.

* * *

Ўтниги ўтга, сувниги сувга,
Қолди қатиқниги ёнга.

* * *

Ўтга тушган — кўл бўлар,
Ерга тушган — гул бўлар.

* * *

Ўтган вақт
Йўқолган олтиндан қиммат.

* * *

Ўтган булутдан ёмғир кутма.

* * *

Ўтган ишга саловат.

* * *

Ўтган ишдан туш яхши.

* * *

Ўтган кунингни унутма,
Эски чориғингни қуритма.

* * *

Ўтганга ўқинма,
Келажакка сўқинма.

* * *

Ўтиб кетгунча экиб кет.

* * *

Ўттизида эр атанган
Қирқида шер атанар.

* * *

Ўттиз тишнинг орасидан чиққан гап
Ўттиз уруғ элга тарқалар.

* * *

Ўтирган қиз ўрнини топар.

* * *

Ўтин деган чўп бўлар,
Тераверсанг кўп бўлар.

* * *

Ўтрик гап жонга қасд,

* * *

Ўчар чироқ бир ёнар.

* * *

(Ўчар чироқ ёниб ўчар).

* * *

Ўчсиз юрак — жонсиз буйрак.

* * *

Учоққа мўри,
Кампирга сўри.

* * *

Ўқ отни тўхтатолмас.

* * *

Ўқ яраси битар,
Сўз яраси битмас.

* * *

Ўқиган ўқдан ўзар,
Ўқимаган кулдек тўзар.

* * *

Ўқимай мулла бўлган,
Чўқимай қарға бўлган.

* * *

Ўқиш бошқа,
Ўқиш бошқа.

* * *

Ўқсиз жангчи — қиличсиз қин.

* * *

Ўғил ёққан чироқни
Қиз ҳам ёқади.

* * *

Ўғил — отага ўхшайди,
Қиз — онага.

* * *

Ўғил — уйнинг булбули,
Қиз — уйнинг гули.

* * *

Ўғирда сув туймоқ —
Ғалвирда сув ташимоқ.

* * *

Ўғлинг ёмон бўлса
Дармонинг кетар,
Отинг ёмон бўлса
Армонинг кетар.

* * *

Ўғлинг яхши бўлса,
Ёнган чироқдир.
Хотининг яхши бўлса,
Меҳнат бероқдир.
Отинг яхши бўлса,
Йироқ ёвуқдир.

* * *

Ўғли йўқнинг ўрни йўқ,
Қизи йўқнинг қадри йўқ.

* * *

Ўғирлик ош баданга юқмас.

Қ

Қавс суви — ерга даво,
Тоғ ҳавоси — дардга шифо.

* * *

Қадр билмас қариндошдан
Қадр билган ёт яхши.

* * *

Қадр билмаснинг қадри йўқ.

* * *

Қадрингни билса,
Қирқ йил эгил.

* * *

Қайин дарахтининг эгилгани — сингани,
Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.

* * *

Қайиқни оқимга қараб ҳайда.

* * *

Қайтиб кирадиган эшигингни
Қаттиқ ёпма.

* * *

Қайним — қаймоғим.

* * *

Қайнсинглим — қайнона синглим.

* * *

Қайрилмаганга қайишма.

* * *

Қазийберсанг қоя ҳам қулар.

* * *

Қалам — ёзувчи қўлидаги қилич.

* * *

Қалб қайноқ бўлса,
Олов сиртга тепади.

* * *

Қалб қалбга элчи.

* * *

Қалб қозони қайнамас.
Қайнаса ҳам қуйилмас.

* * *

Қалбга қаримоқ йўқ,
Севгига — ўлим.

* * *

Қаловини топсанг қор ёнар.

* * *

(Қаловини топсанг қор қамровга келади).

* * *

Қалпоғига қараб қадамига баҳо берма.

* * *

Қалтис ишга жўяли оёқ (қўймоқ керак).

* * *

Қамиш мағрур ўсиб,
Охирида бўйра бўлар.

* * *

Қамишни қия ушласанг,
Қўлингни кесар.

* * *

Қамишзорга ўт тушса,
Хўл-қуруғи тенг ёнар.

* * *

Қараб турсанг қараб қоласан.

* * *

Қарасанг — боғ,
Қарамасанг — янтоғ.

* * *

(Қарасанг — боғ,
Қарамасанг — тоғ).

* * *

Қарасанг — қанд ейсан,
Қарамасанг — панд ейсан.

* * *

Қарамасанг — ботмон доғ,
Қарасанг — гулдек боғ.

* * *

Қари билганни пари билмас.

* * *

Қари от уурдан олдин чанг чиқарар.

* * *

Қари хўкиз болтадан қўрқмайди.

* * *

Қарининг сўзи — ишнинг кўзи.

* * *

Қарс икки қўлдан чиқади.

~

* * *

Қарға кўпайса — қор ёғар.

* * *

Қарға қарғанинг кўзини чўқимас.

* * *

Қарға «қағ» этади,
Ўз вақтини чоғ этади.

* * *

Қарға қағиллаганда
Ўз номини айтиб чақирар экан.

* * *

Қасд қилган — паст бўлар.

* * *

Қатиқ ичган қутулди,
Айрон ичган тutilди.

* * *

Қатиқ тўкилса юқи қолади,
Айрон тўкилса нимаси қолади.

* * *

Қаторда норинг бўлса,
Юкинг ерда қолмайди.

* * *

Қаттиқ сўз тош ёрар.

* * *

Қаҳри борнинг заҳри бор.

* * *

Қидирса кон топилар.

* * *

Қиёмат куни қўшнидан.

* * *

Қиз — эрта пишар мева.

* * *

Қиз ҳусни юрагида.

* * *

Қизим, сенга айтаман,
Келиним, сен эшит.

* * *

Қизнинг бахти — эрнинг давлати.

* * *

Қизнинг нози бўлмаса,
Базмнинг пардози бўлмас.

* * *

Қизни ошиғига бер.

* * *

Қизга олтин тахт эмас,
Бармоқдек бахт тила.

* * *

Қизи борнинг нози бор.

* * *

Қизи юк кўтарса,
Онасининг бели қайишади.

* * *

Қизига жони ачиган
Келинини чалпийди.

* * *

Қизли уй бўстон,
Қизсиз уй гўристон.

* * *

Қизли уй — нозли уй.

* * *

Қизли уй — сарой.

* * *

Қизли уй — қимизли уй.

* * *

Қийин ишда миннат йўқ.

* * *

Қийшиқ мўридан қийшиқ тутун чиқади.

* * *

Қилган эшикка боқар,
Қилмаган тешикка боқар.

* * *

Қилинган меҳнат — беписанда овқат.

* * *

Қилдан қийиқ қидирма.

* * *

Қилич тутиб кирган
Қиличдан ўлар.

* * *

Қилич яраси тузалади,
Тил яраси тузалмайди.

* * *

Қилич қинида ётса занглайди.

* * *

Қилични ўткирлиги тошда синалмайди.

* * *

Қилиқнинг иссиғи —
Бахтнинг исирिғи.

* * *

Қилмиш — қидирмиш.

* * *

Қилмишига яраша лақаби.

* * *

Қимирлаган қир ошар.

* * *

Қинғир ишнинг қийиғи
Қирқ йилдан кейин ҳам билинади.

* * *

Қинғир қилиқ от хуркитар.

* * *

Қирқ уй қуда бўлса,
Қирқ йил қирғин келмас.

* * *

Қирқ киши бир ёна,
Қинғир киши бир ёна.

* * *

Қирқта қўйга битта эчки бош.

* * *

Қирғияда қирқ томса,
Қиндаги ҳам пишар.

* * *

Қирговул овига чиқсанг,
Уйдаги товукни унутма.

* * *

Қисқа ақлнинг тили узун бўлади.

* * *

Қуш шод бўлса,
Инига сиғмайди.

* * *

Қиш ўлдирма, ёз ўлдир,
Оч ўлдирма, тўқ ўлдир.

* * *

Қиш ўчоғи тор.

* * *

Ҷиш ғамини ёз есанг,
Ҷишда ғаминг оз бўлар.

* * *

Ҷишнинг бир куни қолса қўрқ.

* * *

Ҷишнинг гули — ўт.

* * *

Қозон «тубим олтин» деса,
Чўмич «мен қайдаман» деркан.

* * *

Қозонга яқин юрсанг қораси юқар.
Ёмонга яқин юрсанг балоси юқар.

* * *

Қозонга қараган қариндош эмас.

* * *

Қозонга яраша қопқоғи.

* * *

Қозонда бўлса чўмичга чиқади.

* * *

Қозончида ихтиёр
Қайдан қулоқ чиқарса.

* * *

Қолган ишга қор ёғар.

* * *

Қолган кўнгил чиққан жон билан баравар.

* * *

Қоматига ишонган қаддин букиб кетади,
Кўпчиликка ишонган тилагига етади.

* * *

Қон-қариндош жон қариндош.

* * *

Қонни қон билан ювиб бўлмайди.

* * *

Қор — ернинг кўрпаси,
Емғир — ернинг тўшаги.

* * *

Қорни тўқ товоқ ялар,
Қорни оч бармоқ ялар.

* * *

Қорнинг очмай овқат егин,
Қорнинг тўймай қўлинг артгин.

* * *

Қора нонга қорним тўқ,

* * *

Қорин бўш бўлмас,
Сипоҳ дўст бўлмас.

* * *

Қоронғи кун мангу бўлмас.

* * *

Қочган йўл танламайди.

* * *

Қош қўяман деб кўз чиқарма.

* * *

Қоқилган одам ерда ётган тошдан ўпкаламайди.

* * *

Қоқилсанг тошдан ўпкалама.

* * *

Қудук қуриса,
Киши сувнинг қадрига етади.

* * *

Қудукқа қулон¹ тушса,
Чўл қурбақаси айғир бўлади.

* * *

Қуённи — қамиш,
Одамни номус ўлдиради.

* * *

Қуённи — қамчи,
Мардни уят ўлдиради.

* * *

Қуёнга — тўйган тепаси макон.

¹ Қулон — ёввойи эшак.

* * *

Қуёш булут ортида ҳам ёруғ туради.

* * *

Қуёш ёғдусидан юз ўгирган
Шаъм шуъласига зор бўлади.

* * *

Қуёш қораймас,
Олтин зангламас.

* * *

Қуёш ҳавони иситади,
Дўстлик — қалбни.

* * *

Қулдек ишласанг,
Бекдек ейсан.

* * *

Қулон бошига иш тушса,
Қуйруғига сир айтмас.

* * *

Қулоқдаги сув ичар,
Оёқдаги чув тушар.

* * *

Қулоқсизга сўз айтсанг,
Қулоғининг ташидан.

* * *

Қулочингга қараб кетмон чоп.

* * *

Қунт билан ўргангин ҳунар,
Ҳунардан ризқинг унар.

* * *

Қунти йўқ қўра ҳам қуролмайди.

* * *

Қуруқ савлатдан
Қуруқ сават яхши.

* * *

Қуш тилини қуш билар.

* * *

Қуруқ шохнинг оловига
Хўл шох ҳам ёнар.

* * *

Қуш қаноти билан учиб,
Қўйруғи билан қўнади.

* * *

Қуш сершоҳ дарахтга қўнади.

* * *

Қуён билак бўлсанг ҳам,
Қуён юрак бўлма.

* * *

Қуш тузоққа нафси учун илинади.

* * *

Қуш шод бўлса,
Инига сиғмас.

* * *

Қуш уясида кўрганини қилади.

* * *

Қушнинг ёвузи — зағизғон,
Дарахтнинг ярамаси — азғон¹.

* * *

Қўзи туғилса,
Яйловда бир ўт ортиқ ўсар.

* * *

Қўй ҳайдовда,
От боғловда гўштга гўшт қўшади.

* * *

Қўл билан яхшилик қилолмасанг,
Тил билан яхшилик қил.

* * *

Қўл синса енг ичида,
Бош ёрилса бўрк ичида.

* * *

Қўл югуриги ошга,
Тил югуриги бошга.

* * *

Қўл қўлни ювар,
Қўл бориб бетни ювар.

* * *

Қўлдан берганга қуш тўймас.

* * *

Қўли кучли бирни енгар,
Билими кучли мингни енгар.

¹ Заҳар чиқарувчи дарахт.

* * *

Қўли очиқнинг кўнгли очиқ.

* * *

Қўли узун олма узар,
Қўли калта ишни бузар.

* * *

Қўли узун юлдузни узибди,
Қўли қисқа чўнтагидагидан қуруқ қолибди.

* * *

Қўли ўйнамаганнинг кўзи ўйнар.

* * *

Қўлига қилич олган баҳона қидирмайди.

* * *

Қўнимсизнинг меҳнати унумсиз.

* * *

Қўнғиз боласини оппоғим дер,
Типратикон боласини юмшоғим дер.

* * *

Қўрқдинг — тутилдинг,
Қўрқмадинг — қутулдинг.

* * *

Қўрқмасанг — ёв қочар.

* * *

Қўрқоқ аввал тилдан қолади.

* * *

Қўрқоқ — тўнғак.

* * *

Қўрқоқ қўрқоққа ўртоқ.

* * *

Қўрқоқнинг бошида калтак синади.

* * *

Қўрқоқнинг ақли шошар.

•

* * *

Қўрқоқнинг кўзи катта,
Аҳмоқнинг сўзи катта.

* * *

Қўрққан олдин мушт кўтарар.

* * *

Қўрққанга қўша кўринар.

* * *

Қўшиқ айтгандан қўрқма,
Мудрагандан қўрқ¹.

* * *

Қўш қилич бир қинга сиғмас.

* * *

Қўш ҳайдамоқ — бормоқ-келмоқ,
Патир ёпмоқ — олмоқ-солмоқ.

¹ Индамас, писмиқ одам маъносида.

* * *

Қўшни келди — кўмак келди,
Эт келди — суяк келди.

* * *

Қўшнига тегсанг кўчади,
Оловга тегсанг ўчади.

* * *

Қўшнига умид қилган томсиз қолар.

* * *

Қўшнининг қудуғига туфурма,
Ахир бир кун сув ичасан.

* * *

Қўшнинг кўр бўлса,
Кўзингни қис.
Оқсоқ бўлса — ланг бўл.

* * *

Қўшнингга кулма,
Ўзингга қайтиб келади.

* * *

Қўя-қўя есанг қўй ортар.
Торта-торта есанг той ортар.

Ғ

Ғайрати бор кишининг
Унуми бор ишининг.

* * *

Ғайрат — отда,
Ғаё — кўзда.

* * *

Ғайрат темир занжирни узар.

* * *

Ғайрат қилган тоғни кесар.

* * *

Ғайратсиз билак — ўринсиз тилак.

* * *

Ғайратсизнинг ғайрати иш битганда қўзийди.

* * *

Ғам билан кетган эт кеч битар,
Дард билан кетган эт тез битар.

* * *

Ғам юки тоғдан оғир.

* * *

Ғар қуйилса отин бўлар,
Ўғри қуйилса сўфи бўлар.

* * *

Ғараз билан қилган яхшилик
Ёмонликдан фарқ қилмайди.

* * *

Ғоз тўдаси йўлбошчисиз учмайди.

* * *

Ғурур ғурбат туғдирар.

Ҳ

«Ҳа» дедим — тутилдим,
«Йўқ» дедим — қутилдим.

* * *

Ҳавонинг айланганига аланглаган панд ейди.

* * *

Ҳаддидан ошган кулгидан йиғи яхши.

* * *

Ҳаддидан ошса киши,
Мақтаниш бўлар иши.

* * *

Ҳаёси йўқнинг имони йўқ.

* * *

Ҳаёт энг яхши устоз.

* * *

Ҳаётни севган ўлимдан кўрқмас.

* * *

Ҳайт деган туяга мадад.

* * *

Ҳайф — сумбат,
Ақл — қиммат.

* * *

Ҳалол иш — лаззатли емиш.

* * *

Ҳалол ўтда ёнмайди,
Сувда чўкмайди.

* * *

Ҳамма нарсанинг ўртаси яхши.

* * *

Ҳар бало, ҳар иллатнинг
Ўз кушандаси бор.

* * *

Ҳар бир ишнинг оғири бор,
Ҳар қийинчиликнинг охири.

* * *

Ҳар боғнинг гули,
Ҳар чорбоғнинг ўз булбули бўлади.

* * *

Ҳар бутага ўт тушса,
Ўзи куйиб, ўзи ёнар.

* * *

Ҳар гулнинг ўз ҳиди бор,
Ҳар ишнинг ўз чамаси бор.

* * *

Ҳар дарёнинг ўз кemasи бор,
Ҳар ҳунарнинг ўз чамаси бор.

* * *

Ҳар жойни ўз тозиси билан овла.

* * *

Ҳар иш қилсанг,
Эл билан кенгаш.

* * *

Ҳар касбнинг ўз гашти бор.

* * *

Ҳар кечанинг кундузи бор.

* * *

Ҳар ким кулса ўзига
Елик суртар юзига.

* * *

Ҳар ким феълига яраша олади.

* * *

Ҳар ким экканини ўради.

* * *

Ҳар ким ўз кўмачига ўзи кул тартади.

* * *

Ҳар ким ҳимматига яраша топади.

* * *

Ҳар кимнинг нияти — йўлдоши.

* * *

Ҳар кимнинг бошига қор ёғса,
Ўзи курайди.

* * *

Ҳар кимнинг ўз элати ўзига ширин.

* * *

Ҳар кимни билай десанг,
Сўзини ўрган.

Зотини билай десанг,
Қилиғини ўрган.

* * *

Ҳар кимсанинг балоси — ўз тили.

* * *

Ҳар кимга бир уй,
Бир гўр.

* * *

Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бор.

* * *

Ҳар кўнгилда бир гавҳар.

* * *

Ҳар нарсанинг бир ўгити бўлади.

* * *

Ҳар тўқисда бир айб.

* * *

Ҳар қандай буюк минора ҳам
Пастдан қад кўтаради.

* * *

Ҳар ҳунарнинг ўз сири,
Ҳар ишнинг ўз ери бор.

* * *

Ҳаракат — ҳаракатда баракат.

* * *

Ҳаракатинг эрта бўлса,
Кузда эрта ўрасан.

Денгиздан қатралар. [Тўплаб, нашрга тай-
ёрловчи Э. Сиддиқов. Масъул муҳаррир
О. Собиров]. Т., «Ёш гвардия», 1976 (С)
228 б.

Сиддиков Эркин. Капли из моря.

Ўзф

Составитель Э. Сиддиков

На узбекском языке

КАПЛИ ИЗ МОРЯ

Издательство «Ёш гвардия»—Ташкент—1976

Нашриёт редактори Э. Усмонов. Рассом П. Алиев. Расмлар редактори
Қ. Алиев. Техн. редактор Л. Жихарская. Корректор М. Тоиров.

Босмахонага берилди 23/X-1975 й. Боснишга ружсат этилди 8/IV-1976 й.
Формати 70×108^{1/2}. Босма листи 7,0. Нашр. листи 5,09. Шартли бос-
ма листи 9,8. Тиражи 60000. Қоғоз № 1. Р.—11155.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 127—75.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси, Тошкент,
«Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 4023. Баҳоси 16 т.